

ХФР

1918-йил
21-йундан чиқа
бoshлаган

№ 11-12, 2024-йил
20-март,
chorshanba (32.810)

O'zbekiston OVOZI

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!

ЁШЛАР БОҒИГА ИЛК КЎЧАТЛАР ЭКИЛДИ

Давлатимиз раҳбари пойтахтимизнинг Сергели туманида ташкил этилаётган Ёшлар боғига кўчат ўтказди.

Маълумки, Президент ташаббуси билан 2021 йилдан буён "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси амалга оширилмоқда. Жумладан, экологик вазиятни яхшилаш мақсадида Тошкентнинг "яшил белбоғи" ташкил этилмоқда. Ёшлар боғи шу ҳалқанинг муҳим бўғини бўлади.

Давлатимиз раҳбарига боғ лойиҳаси ҳақида ахборот берилди. Унинг майдони 75 гектардан зиёд бўлиб, ҳудуди жиҳатидан пойтахтимизда "Янги Ўзбекистон" боғидан кейин иккинчи ўринни эгаллайди.

Боғ еттита катта ҳудудга бўлинади. Марказий хиёбонда турли майдонлар, минг ўринли очик амфитеатр, миллий ва халқаро гастрономик зоналар барпо этилади.

Очиқ ҳавода овқатланиш ва қизиқарли машғулотлар учун алоҳида жойлар бўлади. Мусиқий фавворалар, очик осмон остидаги кинотеатр, санъат кўргазмалари ва лазер-шоу имкониятлари яратилади. Болалар учун спорт ва ўйин майдонлари, машҳур эртақлардаги қишлоқлар, устахона, кутубхона ташкил этилади. Сунъий кўл, каное ва сузиш ҳавзаси, балиқ ови дам олувчиларга ҳузурбахш бўлади.

19 март куни Тошкент шаҳри жамоатчилиги, давлат ташкилотлари ва дипломатик корпус вакиллари, ёшлар иштирокида боққа кўчатлар экилди.

Президент боғ лойиҳасида қатнашаётган инвестор ва лойиҳачилар, чет эллик дипломатлар билан мулоқот қилди.

- Халқимиз қаерда бўлса, дарахт экишга интилган. Амир Темура Самарқанд атрофида сўлим боғлар барпо этган, бошқа шаҳарларни ҳам обод қилган. Буюк боболаримизга муносиб бўлиб, бу ишларни қиляпмиз, - деди Шавкат Мирзиёев.

Давоми 2-бетда. ▶



*Олам нурга тўлсин
сен билан, Наврўз!*

*Авал юрагинга мўралайди у,
Сўнгра куртакларга ўргатади сўз.
Заминнинг кўзидан қочади уйқу,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврўз!*

*Қишинг аҳволига боқиб, ҳойнаҳой,
Юм-юм ёш тўкмоқда эриётган муз.
Жилва қилаётир тенгсиз бир чирой,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврўз!*

*Она бағри каби илиқдир олам,
Ҳарир ҳовур ичра яйрар дала-туз.
Қолди пучмоқларда хазон янглиғ ғам,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврўз!*

*Яна кўнгиллардан рутубат кетди,
Яна шуғалардан қамашмоқда кўз.
Яна дилдорликнинг фурсати етди,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврўз!*

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
халқ шоири.

ЎЗБЕКИСТОН МЕВА- САБЗАВОТИ ДУНЁГА ЕТСИН



3 САҲИФАДА

ИНТИЛГАН УЙСИЗ ҚОЛМАГҮНЧА...



5 САҲИФАДА

ИСТАГИМ ҲАМ, ШИОРИМ ҲАМ ЯХШИЛИКДИР

Сабрсизлигимиз ортиб кетяпти. Ҳаётга енгил қараш, оқибат камайиб кетаётгандек. Бўлмаса, ҳар куни осмонидан ажал ёмғирлари ёғаётган, сувлари тошиб, дарёлари уйларини ювиб кетаётганлар, зилзилалар бўлиб, ер остида қолиб кетаётган халқларни кўряпмиз. Ҳамма ўша пайтда мол-дунёси эмас, жонини қутқаришга ошиқяпти, вайроналар остида ота-онам ёки болам қолди, деб додлаяпти.

Яратганга беҳисоб шукрки, юртимиз тинч. Унинг назари тушган гўзал мамлакатда яшаймизу баъзида шукроналигимиз камдек туйиляпти менга, оқибат бироз кўтариляпти-да. Бу дунё ишига кўпроқ ошиқяпмиз. Кимдир кетиб қолди, мен четдаман демоқчимасман, мен ҳам дунё ишларига эргашганлар қаторидаман. Ҳаммамиз маишийлашиб оляпмиз. Бу иллатлар бир четимизга илашди ростдан.

6 САҲИФАДА

МЕҲР-ОҚИБАТ, ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК АЙЁМИ



8 САҲИФАДА

Ёшлар боғига илк кўчатлар экилди

Давлатимиз раҳбари боққа келган юртдошларимиз билан суҳбатлашиб, уларни Наврўз билан табриклади.

Боққа биринчи босқичда минг тупдан зиёд каштан, эман, шарқ чинори, қизил куртак, магнолия, гужум каби манзарали дарахтлар ҳамда бута ва гуллар экилади. Лойиҳа якунига қадар уларнинг сони 20 минг тупга етади.

Яна бир эътиборли томони, бу боғда табиийлик, ўрмон шакли, экзотик манзара ҳосил қилинади. Боғ фойдаланишга топширилиши билан 350 тадан ортиқ иш ўрни яратилади.

Айни кунларда ҳам ҳудудларда кўчатлар экилмоқда. Умуман, юртимизда 347 гектар майдонда "яшил ҳудуд", 187 та вазирилик ва ҳокимлик боғлари барпо этилган.

ПРЕЗИДЕНТ ҚУЮВ-МЕХАНИКА ЗАВОДИНИНГ САЛОҲИЯТИ БИЛАН ТАНИШДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 19 март куни Тошкент шаҳридаги Қуюв-механика заводида ташриф буюрди.

Қирқ гектардан зиёд гектар майдонли бу завод бир пайтлар тўлиқ ишламай, паст рентабелли бўлиб қолган эди. Шу боис "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти тасарруфига ўтказилиб, 2013 йилда модернизация қилинди. Сўнгги йилларда маҳаллийлаштириш жадал кенгайиб, унинг иқтисодий самарадорлиги янада ошди.

Бугун мажмуа йилига 1 минг 200 та юк вагони ишлаб чиқариш ва 1 минг 500 тасини таъмирлаш қувватига эга барқарор корхона.

Вагонлар таркиби ҳам талабгир. Жумладан, ярим очик, усти ёпиқ, узун базали ҳамда дон, цемент, менерал ўғит ташишга мўлжалланган 6 турдаги юк вагонлари ишлаб чиқарилмоқда.

Металл қўйиш оғир саноатнинг энг муҳим тармоғи, таъбир жоиз бўлса, "юраги" ҳисобланади. Бу ерда 120 миллион доллар ҳисобига қуюв цехи барпо этилган. У йилига 26 минг тонна маҳсулотлар тайёрлашга мўлжалланган. Бу ерда темир йўллар эксплуатацияси ва ҳаракат таркибида ишлатиладиган барча турдаги эҳтиёт қисмлар қўйилади.

Давлатимиз раҳбари ушбу маҳсулотларни кўздан кечирди.

Бугунги кундаги энг катта мақсадимиз - кўпроқ иш ўринлари яратиш. Масалан, бу йил мамлакатимизда 100 мингта уй қурмоқчимиз. Улар қачон одамларга

◀ Давоми, бошланиши 1-бетда.

маъқул бўлади? Ёнида иш ўрни билан бўлса. Шунинг учун, худди томорқаларда бўлаётганидек, кўп қаватли уйлар бўйича ҳам маҳаллаларда иқтисодий лойиҳалар қилинади. Қайси хонадонда ишсиз бўлса, бандлигига кўмаклашилади. Бунда мана шундай заводлар муҳим, - деди Шавкат Мирзиёев.

Шу боис мажмуада шаҳарсозлик, коммунал ва бошқа тармоқлар учун ҳам маҳсулотлар ишлаб чиқариш, бу имкониятлар билан тадбиркорларни таништириб, буюртмаларни кўпайтириш кераклиги таъкидланди. Бу, ўз навбатида, турдош тармоқларда ҳам иш ўринлари очилишига туртки беради.

Заводда юк вагонлари қуриш, механика йиғув, филдирак йиғув, қуюв, таъмирлаш, темирчилик ва пресслаш, тайёрлов ва комплекташ каби 26 та цех бор. Президентимиз мажмуа бўйлаб юриб, улардаги иш жараёнини кўздан кечирди.

Корхонада 2018-2023 йилларда маҳаллийлаштириш дастури бўйича 100 га яқин турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилган. 2023 йилда жами 267 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган, 10 миллион долларлик 170 та вагон ва эҳтиёт қисмлар экспорт қилинган. Жорий йилда экспорт ҳажмини 15 миллион долларга етказиш бўйича шартномалар имзоланган.

Корхонада халқаро стандартларга мувофиқ ISO 9001 сифат менежменти ва ISO 50001 энергетика менежменти тизими жорий этилган.

ЙЎЛОВЧИ ВАГОНЛАРИ ВА СОҲАДАГИ ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент йўловчи вагонларни қуриш ва таъмирлаш заводида бориб кўрди.

Мамлакатимизда темир йўл транспорти ривожланиб, қатновлар сони кўпаймоқда. Бу вагонларга бўлган талабни ҳам оширади. Мазкур заводда 16 турдаги йўловчи вагонлари ишлаб чиқарилади ва таъмирланади.

Ўтган йили корхонада 32 та йўловчи вагони тайёрланиб, 319 таси таъмирланган. Муҳими, кооперация орқали эҳтиёт қисмларнинг 70 фоизи маҳаллийлаштирилган.

Умуман, аввалги йилларда 300 дан зиёд йўловчи ва техник хизмат вагонлари ишлаб чиқарилиб, 50 дан ошиғи экспортга юборилган. Бундан ташқари, 112 та метрополитен вагонлари модернизация қилинган.

Улар 28 йил давомида фойдаланишга мўлжалланган ва халқаро талабларга тўлиқ жа-



воб беради, йўловчилар учун ҳар томонлама қулай, юқори сифат ва хавфсизликка эга.

Вагонларда иситиш ва совутиш тизимлари, ҳаво айланиши янада яхшиланган. Сув иситиш ускунаси ҳам электр энергиясида, ҳам кўмирда ишлашга мўлжалланган. Йўловчиларни тоза ва салқин ичимлик суви билан таъминлаш, телефон қувватини тўлдирдиш учун махсус мосламалар ўрнатилган. Бу ерда 619 нафар муҳандис-ишчи меҳнат қилмоқда.

Президентимиз вагонларга чиқиб кўрди. Уларнинг дизайнни ўзгартириш, йўловчиларга қулайликларни ошириш зарурлигини таъкидлади. Электр поездлар тармоғини кенгайтириб, аҳоли кўп туманларга олиб бориш, соҳанинг алоҳида генерация қувватларини ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

Жорий йилда яна юзлаб вагонларни қуриш ва таъмирлаш режалаштирилган. Бундан ташқари, кон-металлургия корхоналари учун махсус вагонлар қуриш, кенг купели янги турларни ўзлаштириш кўзда тутилган.

Шу ерда заводда режалаштирилаётган янги йўналиш - электр ва метрополитен поездлари лойиҳаси кўриб чиқилди.

Шунингдек, Тошкент-Хива йўналишига қўйиладиган тезорар поезд ҳақида ахборот берилди. Президентимиз бу ҳақда 2022 йилда Хоразмда Жалолиддин Мангуберди ҳайкалининг очилиш маросимида айтган эди. Бу учун Жанубий Кореянинг "Hyundai Rotem" компаниясидан юқори тезликдаги электропоезд олиб келиниши мўлжалланган. 7 вагонга эга электропоезд 351 та ўриндиклига эга бўлади. Соатига 250 километр тезликда ҳаракатлана олади.

ДИЛБУЛОҚ МАҲАЛЛАСИДА НАВРЎЗ ШУКУҲИ

Пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги Дилбулоқ маҳалласига бу йилги Наврўз янада кўтаринчилик билан келди. Давлат-хусусий шерикчилик асосида замонавий маҳалла идораси қурилди. Кўп қаватли уйлар йўлаги ва ички кўчалар, ертўлалар таъмирланди. Анҳор бўйи тартибга келтирилиб, обод сайилгоҳга айлантирилди. Ишқомлар, ниҳоллар, пиёдалар йўлакларни маҳаллага кўрк бағишлади.

Ўтган йили кузда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида қарийб 4 минг туп дарахт ва бута кўчати ўтказилган эди. Шу кунларда кўп қаватли уйлар олдидаги майдонларга райхон, намозшомгул ваги гуллар экилди.

president.uz



НАВРЎЗГА ТУҲФА

Яшариш ва янгиланиш айёми – Наврўз байрами арафасида Қорақалпоғистон Республикаси Эллиқалъа туманида қатор иқтисодий соҳа объектлари фойдаланишга топширилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида навқирон авлоднинг ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитларда ўсиб-ўлғайиши учун замонавий таълим муассасаларини барпо этиш, қайта таъмирлаш, уларни зарур жиҳозлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тумандаги "Гулистон" овул фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 37-сонли умумий ўрта таълим мактаби капитал реконструкция қилиниб, байрам арафасида фойдаланишга топширилди. Мазкур умумтаълим мактаби учун 4 миллиард 258,5 миллион сўм маблағ сарфланди.

Очилиш маросимида соҳа вакиллари, фахрий устозлар ва маҳалла фаоллари иштирок этди. Туман ҳокими В.Ниязимбетов барчани Наврўз байрами ҳамда умумтаълим мактаби биносининг фойдаланишга топширилиши билан муборакбод этди.

Президентимиз томонидан аҳоли, айниқса, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб турмуш шароитини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тумандаги "Иқбол" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида "АТХ GROUP-

DEVELOPMENT" масъулияти чекланган жамият томонидан лойиҳа қиймати 49,5 миллиард сўм бўлган 132 та турар жойга мўлжалланган мажмуанинг бир қисми фойдаланишга топширилди. Байрам муносабати билан 11 та хонадон эгаларига янги турар жойнинг қалитлари топширилди.

Шунингдек, тумандаги "Думан қалъа" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида "Gold Water" масъулияти чекланган жамият томонидан лойиҳа қиймати 4 миллиард сўм бўлган ичимлик сувини қадоқлаш янги лойиҳаси амалга оширилди. Ушбу қадоқлаш линияси фойдаланишга топширилиши билан саккиз нафар ёшнинг бандлиги таъминланди. Тадбир иштирокчилари янги цех фаолияти билан танишди.

Довуд АБИБУЛЛАЕВ, ЎЗА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ДИПЛОМАТЛАРИ ЭРОН ПОЙТАХТИДА БЎЛИБ ЎТГАН НАВРЎЗ САЙИЛЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШДИ

Байрам сайиллари Эрон Маданий мерос, туризм ва ҳунармандчилик вазирлиги, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ҳамда ушбу байрамни нишонлайдиган мамлакатлар дипломатик ваколатхоналар билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Тадбирда Эрон маданий мерос, туризм ва ҳунармандчилик вазирининг биринчи ўринбосари Али Доробий, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош котиби Хусрав Нозири, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Маданият институти президенти Саад Хон ва Техронда аккредитациядан ўтган хорижий мамлакатлар ваколатхоналари ва халқаро ташкилотлари раҳбарлари, жумладан, Ўзбекистон элчиси Фариддин Насриев қатнашди.

Эрон маданий мерос, туризм ва ҳунармандчилик вазирининг биринчи ўринбосари Али Доробий тадбирнинг очилиш маросимидаги ўз нутқида, иштирокчиларни айём билан қутлаб, Наврўз Ўзбекистон, Озарбайжон ва Туркия ташаббуси билан 2016 йилда ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий бойликлари репрезентатив рўйхатида киритилганини таъкидлади. Вазир ўринбосари, шунингдек, Наврўз билан боғлиқ удулар Ўзбекистон ҳудудларида кенг сақланиб қолинганини ва ушбу айём шу кунга қадар ўзбек халқи томонидан кенг нишонланишини қайд этди.

«Дунё» АА.

ЎЗБЕКИСТОН МЕВА-САБЗАВОТИ ДУНЁГА ЕТСИН

ОНА ДИЁРИМИЗ ТУПРОҒИНИНГ ҲАР ҚАРИЧИ ОЛТИНГА ТЕНГ. АЙНИҚСА, БАҲОР НАФАСИ УФУРИБ, ЯШИЛЛИК ОЛАМНИ ТУТАЁТГАН ШУ ПАЛЛАДА БУНИ ЯНАДА ТЕРАНРОҚ АНГЛАЙДИ КИШИ. КЎЧАГА ЧИҚСАНГИЗ, ТОМОРҚАСИДА КЕТМОН ЧОПАЁТГАН, ҲОВЛИСИГА КЎЧАТ ЎТҚАЗАЁТГАН ЮРТДОШЛАРНИ КЎРИБ, ДИЛИНГИЗ ЯЙРАЙДИ.

ЕР – ХАЗИНА, МЕҲНАТ ҚИЛСА, ҲАРАКАТИГА ЯРАША БАРАКАСИНИ БЕРАДИ. ДАВЛАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИ, ХАЛҚИМИЗНИНГ ЯХШИ ҲАЁТИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ БИЛАН ҲАМ БОҒЛИҚ ЭКАН, БЕНАЗИР ИМКОНИАТДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МУҲИМ.



Президент раислигида 18 март куни қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати соҳаларида инвестициялар жалб қилиш ҳамда экспортни кўпайтириш масалалари муҳокамаси бўйича ўтказилган навбатдаги видеоселектор йиғилишида соҳадаги долзарб масалалар кўриб чиқилди, янги вазибалар белгиланди. Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоқларида инвестициялар ва экспортни кўпайтириш масаласи кўриб чиқилди.

Бундан буён йиғилишлар ҳар бир соҳа корхоналари вакиллари билан учрашув тарзида, уларни қийнаётган масалаларга ечим ва таклифлар асосида ўтказилиши таъкидланди.

23 МИЛЛИОН ТОННА

Ўтган йили шунча миқдорда мева-сабзавот етиштирилгани айтилди. Озиқ-овқат саноатида 86 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ҳисоб-китобга кўра, бунча маҳсулотнинг ўзидан 5 миллиард долларлик экспорт қилса бўлади.

Лекин иқтисодий, қишлоқ хўжалиги комплекслари мутасаддилари ва ҳокимлар ишни тўғри ташкил қила олмагани, экспортчилар муаммоси ҳал этилмагани учун экспорт 2 миллиард доллардан ошмади.

СОҲАДА ҚАНДАЙ МУАММОЛАР БОР?

Қайд этилдики, ўтган бир йилда Австралия, Янги Зеландия, Сингапур, Колумбия, Индонезия каби 10 дан ортиқ янги бозорларга чиқилди, маҳсулотларимиз экспорт қилинадиган мамлакатлар сони 85 тага етди.

Лекин экспортнинг 80 фоизи 5 та давлат бозорига тўғри келаяпти. Асний, қишлоқ хўжалиги экспортининг асосий қисмини "килосига 1 доллардан паст нархда бўлган бозорлар" ташкил қилмоқда.

Ўтган йили 52 та мамлакатга 126 минг тонна узум экспорт қилинган бўлса, шундан 98 минг тоннаси 12 та давлатга килограмми 1 доллардан кам нархда сотилган.

Энг харидорғир маҳсулотларимиз бўлган гилос, шафтоли, хурмо, ўрик, олча, олхўри, анжир, анор, бодом, ловия, мош экспортда ҳам шу аҳвол.

Энг кўп экспорт бўладиган 10 турдаги маҳсулотнинг улуши жами мева-сабзавот экспортда 60 фоизни ташкил қилади.

Ўрганишлар давомида тадбиркорлар қайд этганидек, таннарх баландлиги, айрим "уддабуронлар" даромад ортидан қувиб, қадоклашда сифатсиз маҳсулот қўшиб юбораятгани оқибатида ташқи бозорда Ўзбекистон маҳсулоти нуфузига путур етмоқда.

1 мингта экспортчи корхонанинг кўп миллион долларлик муддати ўтган дебитор қарздорлиги бор. Жумладан, 33 та туманда экспортдан дебитор қарздорлик қолган ҳудудлардан анча юқори.

Бу йил озиқ-овқат саноатида камидан 100 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва 1 миллиард доллар экспорт қилиш режа қилинган. Лекин озиқ-овқат йўналишидаги айрим корхоналар айлан-

“
Экишдан бошлаб, маҳсулотни сақлаш, қадоклаш, қайта ишлаш ва сотиш занжирини тўлиқ қамраб оладиган уч йиллик дастур тайёрланади. Қишлоқ хўжалиги экспорти билан шуғулланувчи 2 минг 362 та корхонага кўмаклашиш, уларнинг сафини кенгайтириш чоралари кўрилади.”

маси учун маблағ ола олмаган, айримлари сифат бўйича рақобатга бардош беролмаган, тежамкор технология ўрнатмагани учун таннарх баланд бўлган.

Озиқ-овқат йўналишидаги 20 та йирик корхона ҳам ашё етишмаслиги, маҳсулотига бозор топиш ва айланма маблағ муаммолари сабабли қувватларининг ярмини ҳам ишлатаётгани йўқ. Мутасаддилар, ҳокимлар янги лойиҳа қилиш уёқда турсин, тайёр корхоналарга кўмак беришни ўйламаётгани кўрсатиб ўтилди.

ЕРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИЛМАЯПТИ

Қишлоқ хўжалиги кўшимча имкониятларга бой соҳа. Серҳосил еримиз, даромад олишга томорқамиз бор экан, ундан доимо унумли фойдаланишимиз лозим, албатта.

Йиғилишда 1 миллион гектар ғалладан бўшайдиган майдон, 508 минг гектар аҳоли томорқаси, 260 минг гектар одамларга бўлиб берилган ерлар имкониятидан тўлиқ фойдаланилмаётгани қайд этилди.

Масалан, 16 та туман умуман мева-сабзавот экспорт қилмаган. Ёки, пахта экмайдиган 28 та туманда экспорт кўрсаткичлари қониқарсиз. Ушбу туманларда маҳсулот етиштириш, сақлаш, саралаш ва сотиш бўйича экспортчилар ҳамда деҳқонлар ўртасида кооперация тизими йўлга қўйилмаган.

Шу муносабат билан мева-сабзавот экспортига безътибор бўлган туман ҳокимлари, қишлоқ хўжалиги ва экспорт бўйича ўринбосарларига қатъий эътироз билдирилди.

Бу йил ҳудудий дастурлар доирасида республика бўйича озиқ-овқат йўналишида 833 миллион долларлик 528 та лойиҳани ишга тушириш режа қилинган. Аммо 14 та туманда озиқ-овқат бўйича бирорта лойиҳа йўқлиги танқид қилинди.

ПРЕЗИДЕНТ ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

Шу куни соҳада фаолият юритаётган тадбиркорлар билан мулоқот қилиниб, уларнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифлари эшитилди. Мулоқотда экспортни анъанавий бозорлардан юқори нархда маҳсулот сотиб олувчи давлатларга йўналтириш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари бу фикрни қўллаб-қувватлаб, бундай бозорлар билан ишлашни кучайтириш муҳимлигини қайд этди. Жумладан, Японияда савдо уйини аккредитация қилиш ва ижара тўловининг компенсация масаласини ҳал қилиш топширилди. Германия, Венгрия, Польша, Испания, АҚШ ва Қозғистондаги савдо уйлари ҳам тадбиркорлар бошқарувида берилди.

Мулоқотда юртимиздаги лабораториялар халқаро стандартларга мос эмаслиги оқибатида ўзбек мева-сабзавотларига ишонч сўнаётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбари кўтарилган масаланинг ўринли эканини қайд этди ва муаммонинг ечимини кўрсатиб берди.

Жумладан, яқинда Ўмон султонлиги билан Юқори Чирчиқдаги Агрохизматлар марказида халқаро аккредитациядан ўтган илк хусусий лаборатория очилди. Шу йилнинг ўзида 8 миллион доллар инвестиция ҳисобига Зангиота тумани, Фарғона ва Самарқанд шаҳарларида ҳам худди шундай замонавий лабораториялар ишга тушади.

Мутасаддиларга 5 та лабораторияни халқаро аккредитациядан ўтказиб, хорижий давлатлар карантин хизматлари рўйхатига киритиш, йил якунига Тошкент шаҳрида Референс лаборатория ташкил қилиб, хусусий лабораториялар ишчи халқаро стандартларга мослигини таъминлаш топширилди.

Бундан буён халқаро тан олинган ре-агентлар импорт божидан озод қилинади, уларга мажбурий экологик сертификат олиш талаб этилмайди.

Шунингдек, мева-сабзавот сифати бўйича Япония, Корея, Австралия, Канада каби давлатларнинг миллий талаблари ўрганилиб, ўзимизда жорий қилинади.

УЧ ЙИЛЛИК КАТТА ДАСТУР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Мулоқот чоғида айланма маблағ масаласи, шартнома қийматининг дебитор қарздорлик сифатида эътироф этиладиган чегирма суммаси чегарасини кўтариш, табиий йўқотиш ва сифат бузилишини камайтириш учун мева-сабзавотни қадоклашни яхшилаш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Шунингдек, деҳқонлардан маҳсулотларни йиғиб, экспортчилар учун етказиб берувчи таъминотчилар фаолиятини тартибга солиш, импорти юқори бўлган асосий озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун импорт қилинадиган хом ашёни божхона тўловидан озод этиш бўйича таклифлар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари ушбу масалалар юзасидан тадбиркорлар билан батафсил фикр алмашиб, мутасаддиларга аниқ топшириқлар берди.

ЭКСПОРТЧИЛАР БИЛАН ДОИМИЙ МУЛОҚОТ МАЙДОНИ ЯРАТИЛАДИ

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалардан келиб чиқиб, мева-сабзавот ва озиқ-овқат экспорти бўйича Бош вазир раҳбарлигида комиссия тузилиши белгиланди.

Экишдан бошлаб, маҳсулотни сақлаш, қадоклаш, қайта ишлаш ва сотиш занжирини тўлиқ қамраб оладиган уч йиллик дастур тайёрланади. Қишлоқ хўжалиги экспорти билан шуғулланувчи 2 минг 362 та корхонага кўмаклашиш, уларнинг сафини кенгайтириш чоралари кўрилади. Экспортчилар билан доимий "мулоқот майдони" яратилиб, ҳудудларда мавлакатларидан ташқи бозордаги талаб ва нархлар тўғрисида маълумот алмашиб борилади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли мутасаддиларнинг ҳисоботи ва режалари тингланди.

Ишнинг кўзини биладиган, тинмайди-ган, дала шамолда, об-ҳаво инжиқликларига чиниққан, суяги далада қотган деқону боғбонларнинг не машаққат билан етиштирган мева-сабзавотларини катта бозорларга олиб чиқиб, муносиб баҳога сотиш, дунёнинг кўпроқ мамлакатларидаги одамларни Ўзбекистон мева-сабзавотлари билан баҳраманд қилиш ниҳоятда муҳим масала экан. Йиғилишда айтилган факт ва рақамлар, белгиланган вазибалар тадбиркорлар, уддабуронларни илҳомлантириб, мутасаддиларнинг кўзини каттароқ очишига, янги бозорлар топилишига умид қиламиз.

“Ўзбекистон овози” мухбири
Лазиза ШЕРОВА расмий хабарлар
асосида тайёрлади.



ХАЛҚНИНГ БАРАКАСИ ҲАРАКАТДАДИР

БУТУН БОРЛИҚ УЙҒОНАЁТГАН, ҲАРАКАТДА БАРАКА БЎЛАДИГАН ПАЛЛАДА, МУБОРАК ОЙДА ЯХШИЛИКЛАРГА ИНТИЛГАН ЯХШИ. ЭЗГУ МАҚСАД БИЛАН ЎЗГАРИШ ВА ЯНГИЛИНИШЛАРГА УНДАШ, ҲОЛАТНИ ОЧИҚ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ, РЕАЛ ВАЗИЯТДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ ВАЗИФА БЕЛГИЛАШ – КАТТА ФАЗИЛАТ.

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ АҲОЛИ ҲАЁТИ БИЛАН ЯҚИНДАН ТАНИШИШ МАҚСАДИДА 14 МАРТ КУНИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИГА ТАШРИФ БУЮРИБ, ХАЛҚИМИЗ ТЕТИКЛИГИ, РЎЗҒОРИ УЧУН ЎТА МУҲИМ БЎЛГАН МАСАЛАДА ЙИҒИЛИШ ЎТКАЗДИ.

ПАРТИЯМИЗ ФАОЛЛАРИ ВА ДЕПУТАТЛАР ЙИҒИЛИШДА БИЛДИРИЛГАН ФИКРЛАР, ТАНҚИДИЙ ХУЛОСАЛАР, КЕЛГУСИ РЕЖАЛАР ҲАҚИДА ЎЗ МУЛОҲАЗАЛАРИНИ ЮБОРИШДИ.



Шерали МАМАДЕЦОВ, ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси:

- Вилоятимизга ташрифи давомида давлатимиз раҳбари Сайхунбод туманида вилоят фаоллари билан учрашиб, энг қайноқ ва долзарб соҳаларнинг ичига кириб, ечимини кутаётган ҳар бир масала юзасидан очиқ-ойдин муҳокамалар ўтказди, олдинда турган энг муҳим вазифаларни белгилаб берди. Айтилган ҳар бир фикр, берилган топшириқ, тавсиялар замирида инсон манфаати устуворлиги, турмуш шароитини яхшилаш мақсадлари мужассам, албатта.

Йиғилишда қайд этилдики, ўтган йили маҳалладаги тадбиркорлик учун Сайхунбодга 120 миллиард сўм берилган. Туман тадбиркорлари ўтган йил солиқдан 85 миллиард сўмлик имтиёз олган.

Лекин бу маблағлар иш ўринларига айланмаётгани, камбағалликни қисқартиришга таъсири сезилмаётгани кўрсатиб ўтилди. Хусусий секторда яратилган расмий иш ўрни бор-йўғи 968 тага кўпайгани айтилди. "Мен ҳам тадбиркор бўлай, маҳаллада иш ўрни яратай", деган оддий одамлар четда қолиб кетаётгани танқид қилинди.

Ҳақиқатан ҳам, ҳозир мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига устувор вазифа сифатида қаралаётгани, тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани натижасида фақат вилоят марказидагина эмас, туманларда ҳам катта ўзгариш, ўсиш кузатиляпти. Имтиёзлар қўламини ҳам кенг. Ишлайман, деган кишини қўллаб-қувватлаб, ёнида турсак, у нафақат ўзини иш билан таъминлайди, балки оила аъзоларини, атрофидагиларни ҳам ишга жалб қилади.

Президентимиз айтилган муаммоларнинг ечимларини ҳам белгилаб берди. Хусусан, Сайхунбодда 17 мингта хонадондан тортиб кичик саноат ва хизматларни йўлга қўйиш орқали аҳолини даромадли қилиш вазифаси қўйилди. Мазъуллар 19 та маҳалла ва 794 та кўчани номма-ном бўлиб олиб, бу йил тадбиркорлик учун бериладиган 200 миллиард сўм ҳисобидан уларни ҳар бирига техник иқтисодий асос ишлаб чиқади. Бунда, маҳалланинг "драйвер" йўналишидан келиб чиқиб, тумандаги 17 мингта хонадон кесимида томорқада қанча, саноатда қанча, савдо ва хизматларда қанча аҳоли банд бўлиши аниқ кўрсатилади.

Булар нимадан далolat беради? Табиийки, тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиши, борлари ўз фаолиятини кенгайтириши, рақобат муҳити юзага келишини билдиради. Биз ҳам жараённи четдан туриб кузатишга ҳаққимиз йўқ, ушбу катта ислохотларга иштирокчи бўлишимиз керак.

Ўз ишини, бизнесини йўлга қўйган фуқароларга турли бюрократик тўсиқлар қўйилишини назорат қилиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояси масаласидаги вазифалар ижросини доимий равишда ўрганиб бориш, умуман,

халқ ичида бўлишимиз зарур.

Партиямиздан сайланган 84 нафар депутатдан фидойилик ва қатъийлик талаб этилади. Барча ишларда фаол иштирок этамиз ҳамда ўз вазифамизга масъулият билан ёндашамиз. Кимки ишонч билан ҳаракат қилса, у виждони олдида ҳам, сайловчилар олдида ҳам бошини баланд тутта олади.

Ҳаётхон ОРТИҚБОЕВА, Сирдарё вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гурухи аъзоси, сенатор:

- Сирдарё кўпинча катта воқеалар, муҳим тажрибалар марказида туради. Чунки, бу ҳудуднинг уникал жиҳатлари бор. Ўтган ҳафтадаги ташриф сирдарёликларни янги марралар сари руҳлантирди, десам муболаға бўлмайди.

Давлатимиз раҳбарининг олиб бораётган сиёсатида бир тушунча мужассам. Ҳудудларда ишлаб чиқаришнинг кенгайтириши, бандликнинг таъминлиниши, аввало, ҳар бир инсоннинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига хизмат қилади. Оилалар даромади ошади. Бирор бир корхона ишга туширилса ҳам, бу нафақат ўша ҳудуднинг инфратузилмасини яхшилаш, иқтисодини ошириш, балки иш ўрни яратиш демакдир. Одамларда боқимандалик кайфиятини бартараф этиш ишсизларга имкон беришга кенг йўл очилди, дегани. Банд одамнинг ҳаётида мазмун бўлишини ҳаммамиз яхши биламиз.

Президентимиз раислигида ўтказилган йиғилишда Сайхунбоддаги 17 мингта хонадондаги томорқани ишга солиш, кичик саноат ва хизматларни йўлга қўйиш орқали аҳолини даромадли қилиш вазифаси қўйилди. Бунинг учун банклар ҳоким ёрдамчилари билан бирга 19 та маҳалла ва 794 та кўчани номма-ном бўлиб олиб, "драйвер" йўналишлардан келиб чиқиб, ҳар бирига техник иқтисодий асос ишлаб чиқади. Бу ташаббус туманда ишсизликни қисқартириш, оилалар даромадини ошириш, иш бошлаш ниятида юрган фуқароларни қўллаб-қувватлашда айна мудаодир.

Ҳар доим давлат раҳбари ҳудудларда учрашувлар ўтказганда депутатлар керакли хулосаларни олади, шунингдек, ислохотлар иштирокчиси бўлиш учун ўз вазифаларини белгилайди. Давлатимиз раҳбари ташрифидан сўнг биз ҳам партияимиз вакиллари билан бу жараёнларда фаол иштирок этиш мақсадида режа ишлаб чиқдик. Чунки жамият ривожланиши, ҳудудлардаги уйғоқ муҳит депутатлар, сиёсий партиялар фаоллигига ҳам боғлиқ масаладир.

Биринчи навбатда кучли жамоатчилик ва депутатлик назоратини ўрнатишимиз керак, деб ўйлайман. Белгиланган вазифалар аниқ, даромадли қилиш вазифаси қўйилди, масъулият аввало элнинг олдида бўлиши керак. Туман ҳокими, бошқа мутасаддилар туман аҳлига ҳисобдорлиги, одамларнинг назарида эканини билиб, сезиб турса, ҳар доим яхши натижалар йўлидан оқсамайди. Бундай ҳисобдорлик муҳитини депутатлар,

сиёсий партиялар фаоллари юзага келтира олади. Биз ҳам амалий ҳаракатларимиз билан намуна бўлишимиз зарур.

Сайхунбодда илк бор янги тажриба қилиниб, 19 та маҳалланинг ҳар бирига биттадан мини трактор, 4 тадан мотокультиватор олиб бериладиган бўлди. Эндиликда ҳоким ёрдамчилари "1 сотих томорқадан камида 1-2 миллион сўм даромад" деган мезон асосида аҳоли учун бизнес режа ишлаб чиқади. Маҳалладаги агрономлар билан бирга томорқа ерларини ҳайдаш ва экин экиш хизматларини кўрсатади. Бу тажриба бутун республикада оммалаштирилади.

Томорқада етиштирилган маҳсулотни сотиб олиш тизимини йўлга қўйиш мақсадида туманда экспортга қўмаклашувчи корхона очилиб, уставиға 1 миллиард сўм киритилади. Бу корхона 4 минг хонадонга серҳосил қовоқ, мош, ловия, розмарин, брокколи, тимьян уруғларини етказиши, етиштирилган маҳсулотни сотиб олиб, экспорт қилади. Бундан ташқари, маҳаллада сотиб олишни йўлга қўйган экспортчи, илғор тадбиркорларга 300 миллион сўмдан 1 миллиард сўмгача грант берилади.

Кўриниб турибдики, рақамлар режаларга яраша катта. Бу режалар бир ҳудуд учун ишлаб чиқилган. Энг муҳими, Сайхунбоднинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, янги иш ўринлари яратиш учун катта тизим яратилади. Бу тизимнинг ҳар бир маҳалла, ҳар бир қишлоқда самарали ишлаши халқимизнинг турмуши, минглаб рўзгорларга таъсир қилади. Кучли депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш орқали жараёнда фаол иштирок этиш бурчимиз, деб биламиз.

Баҳодир МАМАТОВ, ЎзХДП Сайхунбод туман кенгаши раиси:

- Давлатимиз раҳбари туманимизни ривожлантириш масаласи ҳақида таклифлар берди. Булар мамлакат етакчисининг туманимизга бўлган жуда катта эътиборидан, ҳар бир ҳудуд, ҳар бир инсон ҳақида қайғуришидан далolat беради.

Сайхунбоддаги хонадонларда кичик ишлаб чиқаришни ташкил қилишга қўмаклашиш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Тумандаги бир неча йиллардан буён бўш турган 21 та объектга инвесторларни жалб қилишнинг янги механизми жорий этилиши айтилди. Камида 100 миллион долларлик саноат лойиҳалари бошланиб, "Фаровон" маҳалласида узоқ вақт ташландик бўлиб турган 35 гектар майдонда кичик саноат зонаси ташкил қилинадиган бўлди. Бу вазифалар бутун сайхунбодликларни руҳлантириб юборди, десам адашмайман.

"Фаровон" маҳалласи туман марказидан 17 км узоқликда жойлашган. Бу ерда 3633 нафар аҳоли истиқомат қилади. Анча пайтдан буён ташландик ва бўш турган 35 гектар майдонда кичик саноат зонасининг ташкил этилиши туманимизда ишлаб чиқариш кенгайтириши, аҳолининг бандлиги даражаси оши-

ши учун хизмат қилади.

Бандлик, янги иш ўринлари, барқарор даромад манбаи каби муҳим масалалар партияимиз ташкилотлари ва депутатлар учун кун тартибда ҳар доим олдинги ўринларда туриши зарур. Чунки бу дастурий мақсадларимизга ҳамоҳангдир.

Ҳар чоракда депутатларимиз халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман Кенгашларнинг сессияларида аҳоли бандлигини таъминлаш билан боғлиқ долзарб масалалар бўйича ўрганишлар асосидаги хулосалари, таклифларини бериб боришяпти. Доимий комиссиялар фаолиятида ҳам фаол қатнашиб, айнан янги иш ўринларини ташкил этиш, ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш фаолияти бўйича ташкилотлар раҳбарларининг ҳисобот ва ахборотларини эшитиш, муаммолар масалаларни ҳал қилишда ташаббускор бўлмоқда.

Лекин ҳали партия ташкилотларимиз, депутатлар олдида вазифалар кўп. Туманимизда 2023 йилда ишлаб чиқариш ҳажми деярли ўсмагани, 19 та маҳалладан 16 тасида юқори қўшилган қиймат яратадиган бирорта ишлаб чиқариш йўқлиги, ваҳоланки, тумандаги тайёр инфратузилмаси бор 16 та бино ва иншоот қимматлиги учун бир йилдан буён сотилмай ташландик ётгани қаттиқ танқид остига олинди.

Фаолиятимизда камчиликлар кўп. Давлатимиз раҳбари ўтказган йиғилишда ўтириб нимани ўйладим, биласизми? Имкониётлар катта, имтиёзлар қўламини кенг, аммо, шунга яраша интилишимиз камлигидан хижолат бўлдим, тўғриси. Ислохотлар шиддати-га мос равишда фаол ишлайдиган давримиз келганини тушуниб етдим.

Туманимизда шунча тайёр бинолар тургани, аммо ишлаб чиқариш ҳажми деярли ўсмагани ҳаммамизнинг хатомиз, аслида. Одамларимиз орасида қўлида хунари, касбу кори борлар жуда кўп. Фақат уларни қўллаб-қувватлаш, иш бошлаши учун қўмалаш, йўл-йўғи кўрсатиш керак. Кўпчилик имкониёт ва имтиёзлардан беҳабар бўлиб, қаердан иш топсам экан деган ўй билан юраверади. Бино йўқлиги учун ўз ишини бошлай олмаётганлар ҳам бор. Сайловчилар билан учрашувларда бу масалада тез-тез мурожаатлар бўлади.

Демак, тарғибот-тушунтириш ишларини янада кучайтиришимиз, бизнесини йўлга қўйиш истагида юрган фуқароларимизни иш бошлашдан тортиб, токи уни ривожлантиришигача бўлган барча босқичларда қўллаб-қувватлашимиз, ёнида туришимиз керак. Кредит олишда, бино билан таъминлашда бош-қош бўлсак, бу орқали қанчадан-қанча ишлаб чиқариш тармоқлари очилади, юзлаб иш ўрни яратилади. Чунки имкониёт ва имтиёзлар керагича тақдим этилмоқда.

"Ўзбекистон овози" муҳбири
Лазиза ШЕРОВА ёзиб олди.



ЎзХДП: ДАСТУР ВА АМАЛ



ИНТИЛГАН УЙСИЗ ҚОЛМАГУНЧА...

ҲЕЧ БИР ЎЗБЕКИСТОНЛИК ҲЕЧ ЖОЙДА ЎЗИНИ УЙИДАГИДЕК ХОТИРЖАМ СЕЗМАСА КЕРАК. ОИЛА УЙДА, ХОНАДОНДА ПАЛАК ОТИБ, УНИБ-ЎСАДИ, ҚУРТАК ЎЗИБ, ГУЛЛАЙДИ. БИР БИЗДА ЭМАС, БУТУН ДУНЁДА УЙ-ЖОЙ УЧУН ЙИЛЛАБ МЕҲНАТ ҚИЛИНАДИ.

ЎЗБЕКИСТОН УЛКАН ПАХТА МАЙДОНИГА АЙЛАНИБ ҚОЛГАН МУДҲИШ ДАВРДА МАМЛАКАТ МУСТАҚИЛ БЎЛИБ, МИНГ-МИНГЛАБ ОИЛАЛАР ТОМОРҚАГА, ВАТАНГА ЭРИШГАН ЭДИ. ШУ БЎЛДИ, БУТУН МАМЛАКАТДА УЙ-ЖОЙ БИЛАН БОҒЛИК КАТТА ЯНГИЛИКЛАР ҚУЗАТИЛМАДИ, ВАЗИЯТ МУРАККАБЛАШИБ БОРДИ. ЙИЛЛАР ЎТДИ, ОИЛАЛАР КЎПАЙГАНДАН КЎПАЙДИ, ЕР АЖРАТИЛМАДИ, ЯНГИ ЯШАШ ЖОЙЛАР ЭСА ДЕЯРЛИ ҚУРИЛМАДИ. ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА, ҲАТТО ШАҲАРЛАРНИНГ ИЧИДА ҲАМ ИМКОН ТОПГАН ОИЛАЛАР МАЖБУРЛИКДАН УЙ КЎТАРДИ, ҲОВЛИ-ЖОЙ ҚИЛДИ. ЛЕКИН ҚАНЧАДАН-ҚАНЧА ОИЛАЛАР ТИҚИЛИШИБ ҚОЛДИ, ДАРДИ ИЧИДА ЮРДИ, УМУМИЙ ВАЗИЯТ ИЖТИМОЙ ТАНГЛИК ҲОЛАТИГА КЕЛИБ ҚОЛГАНДИ.

2019 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДА АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ ЗАИФ ҚАТЛАМИГА АРСОН ТУРАР ЖОЙЛАР ҚУРИЛИШИНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАСИ ҲАМ БЕЖИЗГА ҚЎЙИЛМАГАНДИ.

НИМА УЧУН МУҲИМ?

Бежизга, доно халқимиз уйи борнинг ўйи бўлмади, деб айтмаган. Бунга, ўз уй-жойига эга бўлмаган, йиллар давомида шу орзу билан яшаган одамлар кўпроқ ҳис қилади.

Ўзбекистон Марказий Осиёнинг аҳоли энг зич яшайдиган мамлакатига ҳисобланади. Табиийки, тез ўсувчи демография давлат олдига одамларни уй-жой билан таъминлаш масаласини қўяди. Қолаверса, ўзбек халқи ўз уй-жойига эга бўлишни бирламчи эҳтиёж сифатида ҳисоблайди.

Ўтган даврда аҳолининг сонини ўсиш кўрсаткичи ва уй-жойларни харид қилиш қобилияти ҳисобга олинмаганлиги натижасида аҳолида уй-жойга бўлган узоқ йиллик эҳтиёж йиғилиб қолди.

Аҳоли сони йилдан-йилга ошиб бораётган бўлса-да, 2016 йилгача Ўзбекистонда, жумладан, пойтахтда янги турар жойлар деярли қурилмади. Халқ орасида "банк уйлари" деб ном олган кўп қаватли уйлар эса гарчи марказий ҳудудларда қурилгани ва сифати билан ажралиб турса-да, қиймати аҳоли ўртача даромадлари кўрсаткичларига нисбатан анча баландлиги, ипотека кредитлари бериш ҳизматининг деярли йўқлиги боис, турар жойга бўлган талабни ўта кичик фойизга ҳам қаноатлантирилмасди. Ипотека кредитлари берилса ҳам фойизлари жуда баланд ва талаблари жуда қаттиқ эди. Янги уйлар қурилмаслиги натижасида турар жойларнинг нархлари аҳоли даромадалари билан солиштирилганда баландлигича қолаверди.

НИМАЛАР ЎЗГАРДИ?

Аҳолини уй билан таъминлаш мақсадида 2017 йилдан бошланган ислохотлар самарасида катта муаммолар барҳам топмоқда. 2019 йилга келиб, ипотека тизими тубдан ислоҳ қилинди. Бунда аҳолига истаган уйни сотиб олиш имконияти яратилди. **Ипотека дастурлари доирасида йилга ўртача 35 минг хонадонли уй-жойлар** қурилмоқда.

Аҳолини уй-жой билан таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарор ва Фармонлари ҳамда ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Натижада мамлакатнинг барча гушалари кенг кўламли

қурилиш майдонига айланди. Республика-мизнинг қайси ҳудудига борсангиз, албатта, бунёдкорлик ишларига, замонавий уй-жой ва бинолар қурилишига гувоҳи бўласиз. Ҳозирда эски шаҳар ўрнини янги ва замонавий уй-жойлар ва аҳолига хизмат кўрсатувчи инфраструктура объектлари эгалламоқда.

Уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлганларга ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва фойизларнинг бир қисmini қоплаш учун Давлат бюджети маблағларидан субсидиялар тўланиши белгиланди. Буларнинг ҳисобига ҳудудларда **6 мингта кўп қаватли уй барпо этилиб, 250 минг оила янги бошпанали бўлди.**

Даромади юқори бўлмаган 45 мингта оилага бошланғич бадал ва фойиз тўлови учун 2,4 триллион сўмлик субсидия берилди. Жумладан, ўтган йили мамлакатимиз бўйича 85 мингта ёки 2022 йилга нисбатан 1,5 баробар кўп хонадон қурилди. Аҳолига 17 триллион сўмлик ипотека кредитлари ажратилди.

ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР

Давлат раҳбари 2022 йил декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида янги ипотека дастури масаласига тўхталиб ўтган эди. Дастур доирасида **биринчи навбатда турар жойга эҳтиёжи бор ҳамда ёш оилалар учун энг қулай шартлар асосида уй-жойлар қурилиши белгиланди.**

Дастур доирасида:

- имтиёзли уй-жойлар охириги 5 йил давомида мулк ҳуқуқи асосида уй-жойга эга бўлмаган оилаларга, 15 фойиз миқдорда бошланғич тўлов асосида 20 йил муддатга бўлиб-бўлиб тўлаш шартларида реализация қилиниши;
- уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган шахсларга имтиёзли уй-жойлар бўйича бошланғич тўловнинг бир қисmini қоплаш учун – қатъий белгиланган 32 миллион сўм миқдорда, ойлик тўловларининг бир қисmini қоплаш учун – беш йил давомида ҳар ойлик қатъий белгиланган 1 миллион сўм миқдорда Давлат бюджети ҳисобидан субсидиялар берилиши назарда тутилди.

Ёш оилаларга уй-жой ажратиш шарт-

лари 2020 йил ва кейинги йиллар учун шаҳарларда ва қишлоқ жойларида 1 йиллик имтиёзли давр билан ҳамда дастлабки 5 йил давомида ҳар йили фойиз ставкаси қатъий белгиланган 7 фойиздан Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси даражасигача бир меъёрга ошиб борадиган ставкада берилиши белгиланди.

Ипотека дастури доирасида **уй-жой сотиб олиш учун ёш оилаларга қўшимча 2 мингта квота ажратилиб, ушбу мақсадлар учун бюджетдан 60 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.** Шунингдек, ёш оилаларнинг ипотека кредитини қайтаришга тўлаган маблағлари даромад солиғидан тўлиқ озод қилинди.

Дафтарларга кирган оилаларнинг янги турмуш қураётган фарзандларига ўз хонадонда қўшимча уй-жой тиклаб олиши учун 33 миллион сўмгача гаровсиз кредит ажратиш тизими йўлга қўйилди.

ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ЭЪТИБОР

Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларимиз кўзида оғир мунг бор эди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, фарзандларини ёлғиз тарбиялаётган, ижарама-ижара сарсон юрган, камига ногиронлиги бўлган аёллардан ҳол сўралмади. Уларнинг дарди ичида эди.

Инсонпарварлик сиёсати асосида қийин довланлардан ўтилмоқда. Ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналар учун арзон уйлар қуриш ва уларга бериш тартиби жорий этилди.

Хотин-қизларга ажратилган 6 триллион сўмлик ипотека кредитлари ҳисобидан 25 мингдан зиёд оилалар ўз уйига эга бўлди. 6 минг 200 нафар аёлга уй-жой шароитини яхшилаш ва кредитнинг бошланғич бадалини тўлаш учун субсидия ажратилди.

Уй-жойини таъмирлашга муҳтож, **биринчи гуруҳ ногиронлиги бўлган 5 минг 140 нафар хотин-қизга** моддий ёрдам кўрсатилди. Нотурар жойларда истиқомат қилаётган, ўзининг ёки биргалликда яшовчи оила аъзоларининг номида турар жой мавжуд бўлмаган **11 минг хотин-қизга ижара компенсацияси тўлаб берилди, уларнинг 4 минг 769 нафари имтиёзли арзон уй-жой билан таъминланди.**

ЕТИМ БОЛАЛАР, ОТА-ОНАДАН МАҲРУМ БОЛАЛАР

Бундай болаларни қонунчиликка мувофиқ ижтимоий ҳимоялаш, давлат томонидан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор бор.

Хусусан, 2021 йилдан бошлаб мамлакатимизда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш тизимининг жорий этилиши бу борада катта янгилик бўлди.

Мазкур тизимга мувофиқ:

- уй-жойга муҳтож ва **18 ёшга тўлган етим бола учун (25 квадрат метрдан кам бўлмаган) 1 хонали, улар ўртасида тузилган оила учун (50 квадрат метр-**

дан кам бўлмаган) 2 хонали уй-жойлар ажратила бошланди. Бунда, уй-жой етим боланинг хоҳишига кўра, унинг қариндошлари яшайдиган ёки бошқа ҳудудда янги қурилган кўп қаватли уйлардан, ногиронлиги бўлган етим болаларга эса биринчи қаватдан «онлайн навбат» (2022 йил 1 сентябрдан «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри») асосида ажратиши йўлга қўйилди.

Бунда ўқув-тарбия муассасалари ва туман (шаҳар) ҳокимликлари болаларни муассасада бўлиш муддати тугашидан бир йил аввал уй-жойга муҳтож сифатида «онлайн-навбат»га киритиб боради.

- етим болаларга **уй-жойлар мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи билан, бироқ бола 30 ёшга тўлгунча уни сотиш, гаровга қўйиш, ижарага бериш, оила аъзоси бўлмаган шахсларни рўйхатга қўйиш ҳуқуқсиз** берилмоқда.

"Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунга киритилган бир қанча ўзгаришлар натижасини бермоқда. Хусусан, мазкур қонунга етим ёки бутунлай ёлғиз болалар ўзлари илгари яшаган турар жой майдонига эга бўлиш ёки қонунчиликка мувофиқ турар жой олиш ҳуқуқига эга, деган меъёр киритилди.

2020 йил якунларига кўра, 610 нафар "Меҳрибонлик" уйи тарбияланувчилари турар жой билан таъминланган бўлса, 2021 йилда Давлат бюджетидан 120 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилиб, 757 нафар етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола уй-жой билан таъминланди. 2022 йилда эса 397 та уй-жой харид қилинган. Шу мақсадда Давлат бюджетидан 57 млрд сўм маблағ йўналтирилган.

Жорий йилнинг 20 февраль куни Президент раислигида ижтимоий ҳимоя соҳасидаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилиб, истиқболдаги вазифалар янада аниқроқ белгилаб берилди.

Айниқса, **етим болаларни уй-жой билан таъминлаш масаласида вилоят ҳокимларининг масъулияти** оширилмоқда. Жумладан, **1 июнга қадар навбатда турган 500 нафар етим болаларни уй-жой билан таъминлаш учун ҳокимларнинг шахсан масъул экани** белгиланди. Бу масалада ҳокимлар ва Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ўзаро ҳамкорликда иш олиб боради. Бунда ҳокимлар – етим болалар учун **уй-жой топиш ва уларни жойлаштиришга, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги эса уй-жой сотиб олишни молиялаштиришга масъул** бўлади.

ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯ ВА ЯНГИ НОРМАЛАР

Уй-жойли бўлиш ҳуқуқи Конституция даражасида мустаҳкамланди.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг **47-моддасида "Ҳар ким уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эга"** эканлиги белгиланди.

Мазкур модда билан уй-жой мулкдорларига нисбатан икки турдаги муҳим конституциявий кафолат белгиланмоқда. Булар – суд кафолати ва уй-жой учун компенсация олиш кафолатларидир.

Суд кафолати уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқи суд қарорисиз маҳрум этилишига йўл қўйилмаслигини аниқлатади. Бу кафолат уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқи мулкдорнинг хоҳишидан қатъи назар, мажбурий тарзда бекор бўлаётганда қўлланилиши назарда тутилган. **Мазкур тартиб мулкдор ҳар қандай ҳолатда ҳам асоссиз равишда уй-жойидан маҳрум этилмаслигини кафолатлайди.**

Иккинчи кафолат мулкдорнинг иқтисодий манфаатлари ҳимоясига йўналтирилганлиги билан эътиборлидир. Мазкур норма қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорнинг шу уй-жой ва етказилган зарар учун тенг қийматда компенсация олишни кафолатлайди.

Норманинг яна бир хусусияти аҳолининг эҳтиёжманд тоифаларини уй-жой билан таъминлаш масаласидир. Давлат уй-жой қурилишини рағбатлантиради ва уй-жойга бўлган ҳуқуқнинг амалга оширилиши учун шарт-шароитлар яратиши белгиланди.

АЙРИМ ХУЛОСАЛАР

Факт ва далиллар, ислохотлар кўлами Халқ демократик партияси дастурида белгилаб олган вазифаларга босқичма-босқич эришилаётганини кўрсатмоқда.

Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Ҳар бир ислохот, кўзланган мақсад ва белгиланган кафолат ҳар доим ҳам биз кутгандек, биз ўйлагандек бўлавермайди. Жумладан, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, "Меҳрибонлик" уйлари битирувчиларини турар жой билан таъминлаш назарда тутилган қонун ҳужжатларида **турар жой бўш, алоҳида, қулай ва шинам бўлиши, белгиланган санитария ва техник меъёрларга, қонун ҳужжатларининг бошқа талабларига жавоб бериши лозимлиги** белгиланган. Бундай қонуний талаблар кўп ҳолларда бузилаётгани, жойларда болани уйли қилиш эмас, боладан тезроқ ва осонроқ кутулиш пайида бўлилаётгани кузатишмоқда.

Қонун ҳужжатларининг ўз вақтида ва белгиланганидек бажарилиши учун ҳукумат ташаббуси билан бирга, депутатлик, жамоатчилик назорати ҳам тенг оlib борилиши керак. Бунда сиёсий партияларнинг ўрни беқийсдир. Демак, бу масалага янада кўпроқ виждон, янада кенгроқ кўнгил билан ёндашиш зарурати сезилмоқда.

Аброр ҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши бошқарма бошлиғи.



DILDAGI GAPLAR

ИСТАГИМ ҲАМ, ШИОРИМ ҲАМ ЯХШИЛИКДИР



— Наврўз ва унинг фалсафаси ҳақидаги тасаввурларингиз, фикрларингиз, ҳаётда кўрган, кузатганларингиз билан суҳбатимизни бошласан.

— Аввало, соғ-саломат бўлинг. Бу баҳорларларимиз такрор ва такрор келсин. Қарангда, 2020 йилгача Наврўзни ҳамisha қадрига етганимиз деб ўйлаб юрган эканман. Одамийлик, оқибат, қадрият тушунчалари уйғунлашган байрамнинг шукҳунини, фалсафасини ҳар доим ҳам ҳис қилаверамизда, омон бўлсак ҳар йили Наврўз келавради-да, деган қарашлар билан яшган эканман.

Йўқ. Пандемия пайтида бугунги саналарда уйда ўтирдик. Биро бировни йўқлай олмади, ҳолидан хабар ололмади, янгиликлар ҳақида, режалар ҳақида гаплаша олмадик. Фақатгина касалликда мана шунча Усиш, мана шунча касалхона қолди, бунча одам ҳаётдан кўз юмди, деган хабарлар ҳаётимизнинг асосий мавзусига айланган қолди.

Уша кунга қадар энг гўзал баҳорларда яшаётганимизни, ҳар йилги Наврўз, кўкларнинг келиши ҳақиқатан ҳам янгилиниш, яшариш, энг жадал қадамлар фасли бўлганини ҳис қилдим. Уқиндим, ўқиндим ва кўнглимга зулматлар чўкиб кетди ўша пайтларда. **Одамийлик, миллат фалсафаси, меҳр-оқибатнинг мағзини чинакам англадик, бу тушунчаларни соғиндик.**

Ота-оналаримиз "елкасига офтоб тегса, яхши бўлиб қолади" деган гап бор. Бу мана шу кунлар ҳақида хабар беради. Ташқарида мўъжазгина боғимиз бор. **Урик гуллари шу қадар гўнча очаяптики, бу гўзалликни кўриб, дунёда борлигингизга шукр қиласиз-да.** Эртага у довча тугар, олаяр, ўрик бўлар, "тап" этиб ерга тушадан ҳам унинг файзи бошқа. Ҳузур, роҳати бошқа. Ортиб қолгани туршак бўлар. Лекин нима бўлганда ҳам баҳорга едик. Беҳисоб шукрлар бўлсин.

Болалигимизда оилада Наврўзга жуда катта тайёргарлик бўлар эди. Онамнинг қўлида озгина тикувчилик келгани боис, бизга оддий пахтали матолардан байрамларда чиройли либослар тикиб берардилар. "Бизнинг янги кунимиз, янги йилимиз мана шу-да, болам" дердилар. Айнан Наврўз кунлари чучмоалардан териб, онамга олиб борсам, қош-кўзларига суртиб "баҳорга етказганингдан айланай, Художон" деб кўяр эдилар. Онамнинг шу гапи учун маҳалларда момақаймоқ қириб, топиб, териб келардим. Онамнинг шу сўзларида борлиқни, баҳорнинг тараннуми бўларди.

Мақтада бир синфда 36 бола ўқир эдик. Биринчи ўқитувчимиз Тожирали Дадажонов жуда яхши инсон эди. Бизнинг илдимизни одамийлик билан суғорган, қалбимизга ҳалолликни солган инсон ўша киши бўлган. Тўғри, у қондан ўтади, суддан ўтади, дейди. Ота-онанинг ўғити, аждодлар насиҳатидан шаклланди, дейишди. Лекин бошланғич синфлардаги муаллимларнинг таълими, сабоғи рости билан инсоннинг юрагига нақшлар экан.

Уша ўқитувчимиз эринмасдан момақаймоқлардан териб келарди ва уларни ердаги кўёшчалар деб атарди. "Болалар табииоти севинг, гуллари асранг. Бу ер билан, совуқлар ва қор-бўронлар билан олишиб чиққан гулни

ҳа, бу йилги баҳор анча куттирди. **ЛЕКИН БИР НЕЧА ЙИЛЛАРДАН БУЁН ЁЗГА ТЕЗ ТАСЛИМ БЎЛАЁТГАН КЎКЛАМ АСЛИДА ҚАНДАЙ ЭКАНИНИ БАРЧАНИНГ ЁДИГА СОЛДИ. ҲАРОРАТДА ҲАМ УНИНГ КАЙФИЯТИГА ЎХШАГАН ЎЗГАРУВЧАНЛИК БОР. ШУНГА ҚАРАМАЙ, ЭРТАЛАБ ДЕРАЗАМИЗДАН ТУШАЁТГАН ҚУЁШНИНГ ИЛИҚ ТАФТИ ҚАЛБЛАРИМИЗДА ЯНГИЛИК ВА ЯХШИЛИК КУРТАКЛАРИНИ ЁЗГАНИ РОСТ. ХАЛҚИМИЗНИНГ ТАРИХИ, ҲАЁТ ФАЛСАФАСИ, ТИРИКЛИК ТАСАВВУРЛАРИГА УЙҒУН УШБУ АЙЁМ.**

НАВРЎЗНИНГ МОҲИЯТИ ВА УНГА МУНОСАБАТ, УМУМАН, ҲАЁТ ВА ҲАҚИҚАТЛАР ҲАҚИДА ГАПЛАШИШ УЧУН "САОДАТ" ЖУРНАЛИ БОШ МУҲАРРИРИ, "ШУХРАТ" МЕДАЛИ СОҲИБАСИ, ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ МУНАВВАРА УСМОНОВА БИЛАН БОҒЛАНДИК.

босманг, топманг. Ундан кўра, кўзингизга суртинг, шукр келтиринг", деб барчамизга бир овоздан "омонлик-омонлик, сира кўрмайлик ёмонлик" сўзларини айттирар эди. Энди ўйласам, бу орқали барчамизнинг қалбимизда энг яхши хислатларнинг битта ниҳоли, бир майсаси уйғониб, бош кўтаргандек бўларкан.

Устозимизнинг яна бир ақидалари бўларди. Бирор бир болани кўрсатиб, "оёғидаги этиги йиртилиб, униқиб, тағлари очилиб кетган бўлса ҳам, сувлар ўтишидан оёғи оқ ем бўлиб, совқотса ҳам, мактабга, билим олишга интилган болага ўхшайди шу гулчалар, совқуда ёрилиб кетган қўлчаларини кўтариб ўқитувчининг саволига жавоб беришга ошиқадиган қизчага ўхшайди бу гулчалар, мана, Мусажоннинг онаси оламдан ўтди, 1-2 синф боласи кўйлагининг ёқаси тоза келади мактабга, отаси ёки опаси ювиб беради, шу синовларга кўниб, оппоқ кўйлақда, йиғламасдан мактабга келатган Мусажонга ўхшайди бу гулчалар", деган гаплари ҳамisha ёдимда. Баҳорни ана шундай тарзда қарши олардик. Тилларимизда, дилларимизда ёмонлик кўрмайлик, деган ниятлар билан бўлгандик.

— Бугун ҳам одамлар баҳорни шундай интиқ кутаяптими? Қадр-қиммат, оқибат ҳақида кузатишларингиз...

— Биласизми, сабрсизлигимиз ортиб кетаяпти. Ҳаётга енгил қараш, оқибат қамайиб кетаятгандек. Бўлмаса, ҳар кунни осмондан ажал ёмғирлари ёғаётган, сувлари тошиб, дарёлари уйлари ювиб кетаётганлар, зилзилалар бўлиб, ер остида қолиб кетаётган халқларни кўряпмиз. Ҳамма ўша пайтда мол-дунёси эмас, жонини кутқаришга ошиқаяпти, вайроналар остида ота-онани ёки болам қолди, деб доғлаятти.

Яратганга беҳисоб шукрки, юртимиз тинч. Унинг назари тушган гўзал мамлакатда яшаймизу баъзида шукроналигимиз камдек туйилляпти менга, оқибат бироз кўтариляпти-да. Бу дунё ишига кўпроқ ошиқаяпмиз. Кимдир кетиб қолди, мен четдаман демоқчимасман, мен ҳам дунё ишларига эргашганлар қаторидаман. Ҳаммамиз маийшляшиб оляпмиз. Бу иллатлар бир четимизга илашди ростдан.

Ҳеч эсимдан чиқмайди. Бола эдим, онам "фалончиникига тўйга бораман" деб қатлама пиширдилар. Қўшнилари қақирган пайт эса дарвозадан бошини чиқариб, "қўшни сизлар кетавринлар, уйимга кутилмаганда меҳмон келиб қолди. Қатламалар ҳам тайёр эди-ю, меҳмонни ташлаб кетолмайман" дедилар. Қизикувчан эканман, дарвозани ёпиб, ортига маҳзун қайтган онамга "ёлгон гапирдингиз, уйда меҳмон йўқ-ку", дедим. **"Ювиб кўйлагим кўримабди-да, болам", деганлар.** Бунинг мағзини ҳам улғайган тушундим. **Ҳар кунни кийимларим илинган шкафни очиб, қайси либосни кийиш ҳақида ўйлаганимда ана шу воқеа ёдимга келавради. Онамнинг кўчага кийишга битта, уйга кийишга битта кўйлаги бўлган экан.**

12 фарзандим, дадам эса ҳайдовчи. Бизларни камолга етказаман, деб онамнинг 3 та кўйлаги бўлмаган. Ювилган кўйлаги кўримагани учун ёлгон гапирдишга мажбур бўлган. Энди-чи? Устимиз бут, қорнимиз тўқ. Ер

талаш, жой талаш. Энг ёмони, айрим одамлар ҳаёт мазмунига, қадриятларга эскилик сифатида қарашаяпти. Узоқ вақт кўп қаватли уйларида яшадик. Эътибор берсангиз, уй йўлакларини супириб, тазалайдиганлар кам жуда. Онамдан олган тарбия билан болаларимга супириб-сидиришни айттардим. Қизим баъзида "фалончи писта пўчоқларини ташлабди тазалаган жойимга, нега биз супирамиз фақат", дерди. Ташқари ифлос бўлса, уни босиб уйгача кирсак, ўзимизнинг остонамиз ифлос бўлишини айтиб, унга насиҳат қилардим. **Ернинг юзини очсанг, юзинг очилди, юзингда нур бўлади,** деб тушунтирдим. Чунки бизга шундай ўргатишган.

Нега энди 8-10 оила яшайдиган уйнинг остонасини кимдир келиб супуриб бериши керак? Оловранг нимча кийиб олган онахон ёки ҳашар йўли билан остонаси тазаланишини кутадиганлар бор.

Ижтимоий тармоқда ёшгина эр-хотиннинг видеосини кўриб қолдим. Аёл гапирляпти, эр тасвирга оляпти. Қўлида қимматбаҳо телефон тутиб олган аёлнинг гапларини сўзма-сўз айтмасам бўлмайди. "Мана бунни қаранглар, маҳалланинг берган нарсаси бу. 30 донга тухум, бир кило макарон, бир кило шакар, бир кило гуруч ва битта халтачада картошка. Биз эр-хотин ҳам пенсия олсак, бу нима бўларди? Шу билан 3 оилаб хабар олишмайди. Бергани шу бўлибди, биз шунга лойиқ бўлибмизми?", деяпти. Каттагина ховлиснинг атрофига девор урилмаган ҳаттоки. Томорқаси ҳам бўм-бўш ётибди. Бир донга дарахт қўққайиб турибди.

Мен андиҳонликман. Одамлар ховлисидоги лойини олиб, тепаб, пишириб пахса девор қилган, гувалак ясиб, атрофини ўраб, мустаҳкамлаб олган. Кўзда шудгор қилиб, баҳорда томорқасидан саримсоқпийёз, кўкпийёзлар, беда ва оилага керак бошқа экин-тикинларнинг ҳосилни олган. Буларнинг бирортасини қилмаган одам унга берилганларини танқид қилиб, ношукрий билдирипти. Бу уят эмасми?..

Кўйналганимни ҳеч кимдан яширмайман, уялмайман. Академик лицейда ишлаб юрган пайтларимда 3 нафар бола билан ижарада турардик. Турмуш ўртоғим ҳам ишлашига қарамасдан ойликни етказиб бўлмади. Отам Андижондан келатган пайтимизда "катта шоир бўлиб, эл оғзига тушиб, асарларингиз машҳур бўлса-ку хўп. Лекин бунинг акси бўлса, чевар холанинг набираси, чевар онанинг қизисиз. Қўлингиздан қайчи бор, хунарингиз орқасидан унаси", деганди.

Шуни эслаб, турмуш ўртоғим эски бозорга бориб, 40 минг сўмга тепки машина олиб берди. Ушани кечаси билан тепиб, рўзгоримизни бут қилишга уриндим. Биринчи ишим Паркент бозори ёнида бир завод бўларди. Уша ердан қўлқопга озгина буюртма олиб чиқдим. Ишим маъқул бўлган, юзлаб, минглаб қўлқоплар тикдим. Синовдан ўтганимдан кейин махсус кийим, яъни қаржомалар тикдим. Кечкурун 9 дан тикув машинасига ўтирсан, тонг отиб кетгунча ишлаган пайтларим ҳам бўларди. Машинанинг қурби етмай қолган пайтда ўғлим матони тортиб, кечаси билан ухламай чиққанлари ҳам ёдимда. Бу ишни бир ой ёки бир йил қилмадим. 11 йилгача тикувчилик билан кун кечирдик. Ойлигимдан 3 баробар кўпроқ пул топган вақтларим бўлган.

Ҳаракат қилган одам, меҳнат қилган одам ҳеч қачон четда қолмайди, оч қолмайди. Ҳаммамиз давлатдан рағбат кўриб турибмиз. Айниқса, аёллар учун байрамлар ҳам, имконият ва имтиёзлар ҳам. Натижаси бўлиши керакда, ахир. Умид қиламанки, бўлади ҳам. Қувонишга арзийдиган, мақтанлишга арзийдиган ишлар кўп. Сиёсат аёлларга, оналарга жуда яқин келди. Хотин-қизлар журнали раҳбари, бир журналист, ижодкор сифатида қўшимча эҳтиросга берилиб гапирётганим йўқ. Сиёсат халққа яқин келди. Авваллари халқ ва сиёсат ўртасида "хитой девори" бор эди. Яна бир йилда 60 ёшга қираман. 2 та даврни бошдан ўтказдик. Кўп кунларни кўрдик.

Хурсанд қиладигани шундаки, **яхши одамлар ҳам кўп орамизда. Бир-бирига ёрдам бераётганлар, Умра ёки Ҳаж сафарига бораган деб тўплаётган пулини маҳалласидоги бир ноҳорга тўй қилиб бераётган, уй қуриб бераётганлар ҳам бор.** Ўзидан кечиб кимгадир яхшилик қилаётганлар бор.

Яқинда укасига битта буйрагини берган опа билан гаплашдим. Унинг ҳиқоясини тинглаб, кўз ёшимни тия олмадим. Бу — оқибатда. Ака-укачилик, қариндош-уруғчилик ўртасида-

ги ришталар, меҳр-оқибат мустаҳкам, шаффоф оилада туғилган болалар ҳам ана шу туйғулар билан улғаяди. Аслида эр билан хотин, қайнона-келин яхши бўлса, боланинг юрагига меҳр уйғонади. Акси бўлса, у бола ярланади, қалби дарз кетади.

— **Наврўз арафасида одамларга дил сўзларингиз борми?**

— Бу Ватан фақат биз учун берилган эмас. Бунга ҳамма ҳис қилиши керак. Бу замин бизга ота-боболаримиздан қолган мерос. Биздан кейин минг йиллардир, миллион йиллардир авлодларимизга хизмат қилишини тушуниш, гўзал ватан, энг самимий туйғулар, қадриятларни мерос қолдириш бурчимиз. **Ҳаттоки, биз нафас олаётган ҳаво ҳам биздан кейингиларнинг мулки.**

Бугун экологияни бузаётган, ҳавони ифлос-лантираётган ҳам ўзимиз. **Маҳалламиз бошида кимдир елим идишларни йиғиб, ўт ёқаяпти. Унинг ҳиди 2 кунлаб кетмади. Атрофимизни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш учун, албатта, давлат ва ҳукумат қарор чиқаришини кутуш шарт эмас.**

Битта кўчат эксанг, атрофимизни озода сақласанг, ҳеч бир қарорга ҳожат йўқ. Биров экиб кетган кўчатни ҳам синдириб, қуришиб қўяётганлар бор. Болаларимизга тўғри тарбия берайлик. У синдирган дарахт кун келиб, унинг ўзига хизмат қилиши мумкинлигини тушунтирайлик.

4 танга пул топаман деб ўзига ўзи хизмат кўрсатиш шохобчалари қилинган. 10 сўм пул ташлаб, 10 тонна сув сарфлаб машинасини ювади. Бу исроф эмасми? Болаларимизга суғуни тежашни ўргатайлик, ўзимиз уларга ўрнатиб бўлайлик. Оддийгина ахлат ташлаш маданиятимиз ҳали оқсоқ. Ортган овқатни, елим идиш ёки болаларнинг тагликларини, ҳаммасини битта кутига отамиз. Кейин уни чиқинди ташувчилар ажратиб олишга мажбур бўлади.

Яна бир гап. Ҳеч қарда китоб рекламаси йўқ. Вахोलанки, китоб ўқиш ҳақида кўп гапирляпти, китоб ўқийдиганлар рағбатлантириляпти. Тўғри, турли хил дориларнинг рекламасидан кун кўраётган телеканаллар ҳам бордир. **Лекин уларнинг орасига китоб рекламасини киритиб юбориш, кичкина финжонда сув олиб, тишини тазалаётган болаканинг роллигини жойлаштириш мумкиндир.**

Бир нарсани айтсам. Телеканаллардаги айрим миллий сериаллар хорижикидан баттар. Ким кимга хиёнат қилган, бировнинг эрига тегиб олган ёки хотинини йўлдан урган, ёмон қайнона келин жанжали. Нега миллатимизни бундай қоралаш керак? Қанчалаб яхши инсонлар, оқила, доно қайноналар бор. 12 фарзанднинг 8 таси ўғил бўлган. Онам 8 келин билан ҳам бирор марта сен-менга бормаган. Вақти келганда уларга хизмат қилди, ҳомиладор келинига тансиқ тозмаларни иларди. Авлодимиз давомчисини кўтариб юрибди, деб яхшироқ боқишга интиларди. Маҳалламизда ҳам бирор бир қайнонанинг келинига золимлик қилганини кўрган эмасман. Келин олганимга 16 йил бўлди. Она-боладекмиз. Тўғри, ўзимни рисоладагидекман дейиш фикрдан йироқман. Лекин сабр билан ҳамма нарсаси эришиш мумкин.

Икки дунёнинг саодатини кўришимиз учун (қўришлари учун эмас, кўришимиз учун, деб ёзинг) албатта, яхши билан ёмонни ажратишимиз керак. Фарзандларимизни яхшиликка интилишга ундайдиган, яхшилик деб қадам ташлаб, яхшилик деб уйғониб, яхшилик деб уйқуга кетадиган инсонларга айлантиришимиз, улғайтиришимиз зарур. Дарахт экишимиз керак. Қиёмат бўлаётганда ҳам қўлингизда бир туп дарахтни экиб кет дейилган ҳадисларда. Болаларим отам экиб кетган ниҳолларнинг мевасини еяпти-ку. Бугун экилган дарахтнинг мевасини эртага болаларимиз ейди, соясида ўтиради. Биз ўтиб кетсак ҳам, номаи амалимиз ёпилмасдан туради-ку. Биз эккан дарахт қўнган қўшчалардан ҳам, меваларию ерга тушган баргларида ҳам бизга дуолар боради-ку.

Истагим ҳам, шиорим ҳам яхшиликдир. Бир инсон ўзидаги яхши хислатини бир кунда битта ёки бир ойда тўртта одамга ўргатса ҳам ер юзиде яхшилар кўпаяди.

**“Ўзбекистон овози” муҳбири
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА суҳбатлашди.**



БОЛАЛИКНИНГ КАТТА ЎЙИНЛАРИ

УМУМХАЛҚ БАЙРАМИМИЗ НАВРЎЗ МИЛЛИЙ ЎЗЛИГИМИЗНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИДИР. УШБУ БЕТАКРОР АЙЁМ АЗАЛ-АЗАЛДАН ИНСОНЛАР ҚАЛБИГА ШОДУ ҲУРРАМЛИК ОЛИБ КЕЛИШИ БИЛАН БИРГА, ЯРАТУВЧАНЛИК ЗАВҚИ ВА ШИЖОАТИНИ УЙФОТИБ КЕЛГАН. БАЙРАМ АРАФАСИДА ЮРТИМИЗ БЎЙЛАБ ЎТКАЗИЛАЁТГАН ТУРЛИ ТАНТАНАЛИ МАРОСИМЛАР, ХАЛҚ САЙИЛЛАРИНИ ҚАДИМ АНЪАНАЛАР ЎЗГАЧА ШУКУХ БИЛАН БЕЗАЙДИ.

БАЙРАМ ЯҚИН, ШУНДАЙ КУНЛАРГА ЕТКАЗГАНИГА ШУКР, ДЕБ

ЯНА САЙИЛЛАР ҲАҚИДА ЎЙЛАЙМИЗ. ШУ ПАЛЛАДА ХАЁЛИМГА МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРИМИЗ КЕЛДИ. ҚИЗИҚ, БИЗ БОЛАЛИГИМИЗДА ФАҚАТ НАВРЎЗДА ЭМАС, ҲАР КУНИ ШУ ЎЙИНЛАРНИ ЎЙНАР ЭДИК.

БОЛАЛАГИМИЗНИ, ДЎСТЛАРИМИЗ, ТЕНГДОШЛАРИМИЗ, АҚА-УКА, ОПА-СИНГИЛЛАРИМИЗ БИЛАН ТАЛАШИБ, ТОРТИШИБ ЎЙНАГАН МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРИМИЗ ҲАҚИДА ЎЗМОҚЛИККА ҚАРОР ҚИЛДИМ.



ЎЙИН АСЛИДА ТАРБИЯДИР

Маълумотларга қараганда, болаликда ўйланган ўйин кишининг камолотида муҳим ўрин тутди. Шунинг учун ўйинлар хордиқ чиқариш, мароқли вақт ўтказиш билан бирга тарбиялаш воситаларидан биридир. Инсоният яралибди унинг ҳаётида турли ўйинлар пайдо бўлган, ривожланган, такомиллашиб борган. Кейинчалик ўйинлар турли маросимларга айланган, ҳаттоки, улар орасида санъат даражасига кўтарилганлари ҳам бор. Бугунга келиб биз анча замонавийлашиб, халқаро майдонда ўрин топишга тобора куч ва ғайратимизни кўпроқ сарфлаёмиз. Бунинг учун аввало болаларимизни бир нечта хорижий тил ўргатаёмиз, компьютер технологиялари, IT, робототехника, муҳандислик ва яна бошқа кўплаб замонавий касбларга қизиқтиришга уринаёмиз. Ҳозир ҳали бир ёшга тўлмаган бола ҳам уяли телефонга ёпишади, ундаги ранг-баранг ҳаракатлар, видеоларни томоша қилади. Бир томондан бу яхши.

Замон билан ҳамнафас бўлиш, у бераётган имкониятлардан самарали фойдаланиш яхши, ҳатто бу эҳтиёж ва талабдир. Лекин меъёрни ҳам унутмаслик керак. Бугун аксарият болалар онлайн ўйинлар, виртуал ҳаётга шу қадар ишондики, ташқаридаги ҳақиқий ҳаётни унутиб қўймоқда.

Таълим-тарбиянинг муҳим йўналишларидан бири жисмоний тарбия саналади. Табиатнинг барча омиллари, яъни қуёш, сув, ҳаво сингари ҳаракат ўйинларининг ҳам тарбияда аҳамияти бекиёсдир. Чунки ўйинларда инсон ҳаёти, бошидан кечираётган воқеа-ҳодисалар ва уларга нисбатан муносабат намоён бўлади. Булар эса болаларда одоб, ахлоқ, жасурлик, мардлик, ватанпарварликни тарбиялашда катта ҳисса қўшади.

Деярли барча ҳаракат ўйинлари аклий, эстетик, меҳнат ва ахлоқий тарбияга ўзвий боғланган бўлади. Шу асосда болалар нутқини ўстириш, тил бойлигини кенгайтириш, ўқоқлик, қувноқлик, хурсандлик каби руҳий эмоционал ҳолатларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Педагог олимлардан миллий ўйинлар борасида гап кетганда уларнинг инсон тарбиясидаги аҳамияти нақадлар катта эканига эътибор қаратган. Хусусан, миллий ўйинлар ҳар бир миллатнинг қадриятлари кўзгуси экани эътироф этилади.

Масалан, миллий ўйинларда мағлуб бўлган рақиб устидан масҳара қилиш мумкин бўлмаган. Аксинча, ўйиндаги рақибнинг хатоси ёки камчилиги бирга ҳал этилган. Шу сабабли ҳам ўртада адоват эмас, ҳақиқат, маҳорат ва ирода беллашган.

Болалар ўйин пайтида ижодий фаолият кўрсатиш орқали ўзларидеги ташкилотчилик қобилиятини ҳам шакллантириб борган. Айниқса, жамоавий ўйинларда бу яққол акс этган. Мисол учун, етакчи ва ақлли болалар мақсадга эришиш йўлида ўртоғига ёрдам беришни ўрганган ва бу борада тўғри қарор қабул қилиш кўникмасини оширган. Бу эса ижодий ташаббускорлик саналади.

ЭРАМИЗДАН АВВАЛГИ ЎЙИНЛАР

Фольклоршуносларнинг ёзишича, тарихий манбаларда халқ ўйинларининг келиб чиқиши ҳамда ривожланишига доир қизиқарли ҳикоялар, воқеалар талайгина.

Айрим олимлар халқимиз севиб ўйнаган ўйинлар эраמידан аввалги даврларга бориб тақалишини ҳам асослаб берган. Уларнинг фикрини археологик, этнографик, фольклор ва бошқа манбаалар тўла-тўқис тасдиқлашига тааллуқли манбалар мавжуд. Улардан бирида ёзилишича, саклар, массагетлар ва бошқа қабилалардаги ўйинлар, мусобақаларни бугун ҳам халқимиз севиб ўйнайди. Отлар иштирокидаги ёки кураш услубидаги ўйинлар ана шулар жумласидандир.

Кураш, кўпқари сингари ўйинлар қадимдан саховат белгиси сифатида қаралган. Сабаби, ўша пайтларда машҳур улоқчилар, полвонлар ва бошқа иштирокчилар тез-тез мусобақалар ўтказиб, тўпланган маблағ ёки совринни етим-есирлар, кўп болали оилалар ҳамда қарияларга ҳада этган.

Шунингдек, болалар ўртасида мумтоз ўйинлар ҳам бўлган. Улар тарихий ҳужжат саналади. Масалан, "Қувламачок", "Беркинмачок", "Кўктерак", "Беш тош", "Ланка", "Подачи", "Чавандоз", "Чиллик" каби миллий ўйинлар бўлган. Бир номдаги ўйинлар турли ҳудудларда турлича усулда ўйналган ҳам факт. Шунингдек, бир вилоятда учраган ўйинлар бошқа жойда учрамастлиги ёки камдан-кам кузатилиши ҳам мумкин.

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори Гулжаҳон Мардонова кўра, "Қармоқча" ўйини шофирнолик болаларнинг ижод маҳсулидир. У балиқ ови ҳақида бўлиб, балиқчи ҳам, балиқлар ҳам болаларнинг ўзи. Овчи образидаги бола ярим чўк тушганча қўллари билан учига кум тўлатилган қопча ўрнатилган арконни айлантира бошлайди. Болалар эса рамзий маънодаги қармоқча тушиб қолмаслик учун жон ҳолатда сакрайдилар.

МАҒЛУБИЯТ ҲАМ ТАРБИЯЛАЙДИ

Шоштепалик болалардан ёзиб олинган "Жойингни топ" ўйини ҳам уларнинг кашфиёти. Теварак-атрофдаги катталар, тенгдош болалар ҳаёти, фаолияти бу ўйин мазмуни учун асос бўлган. Ўйинда қисқа масофа белгиланган. Ҳар бир бола тўғри тўртбурчак ичида тез ва қақсон ҳаракат қилиб ўзи истаган бурчакни эгаллаши керак. Ўртада турган қоровул эса бунга йўл қўймастикча интилади. Тўртта бурчакни ишғол этган болалар унинг қўлига тушмасликка ҳаракат қилади. Қоровул қайси болани ушлаб олса, у билан ўрин алмашади.

Бойсунлик болалар баҳор фаслига тегишли "Чучумо" ўйини муаллифидир. Ўйинда ўғил ва қиз болалар иштирок этадилар. У баҳор бошланиши, табиат уғғониши билан боғлиқ бўлиб, бошидан то охирига қадар восита сифатида чучумо ишлатилади. Бу эса яна кўкламга эсон-омон етганлик, шукроналик белгисидир. "Чучумо" ўйинида иштирок этиш учун жисмонан бақувват бўлиш керак.

Халқимиз азалдан табиатни ардоқлаган. Турна, қарға, олмагон, лайлак билан боғлиқ ўйинлар халқимиз бисотида талайгина. Миллий ўйинларни ўрганар экансиз уларнинг аксариятида тошнинг иштирокини кўрасиз. Улар орасида кизлар ўйнайдиганлари ҳам бисёр. Ҳаракатли ўйинлар бўлиб, асфальтга чизилган катаклар ва рақамлар билан жанубий вилоятларда "Ҳаппак", водий тарафларда "Лаппак", майдо тошча-

лар билан "Тўп тош", бир нечта иштирокчи ва копток ёрдамида "Жамбил" каби ўйинлар севиб ўйналган.

Умуман, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хослиги бўлгани каби ўйинлари ҳам шунга кўра оммалашган.

ДОР ЎЙИНИ

Бумайрам СОБИРОВА,
Ўзбекистон ХДП Фарғона туман кенгаши раиси:

— Шоҳимардонда йўқолиб кетаётган бир қанча миллий урф-одат, анъаналаримиз сақланиб қолган. Ана шундай авлоддан авлодга ўтиб, камол топаётган анъаналардан бири полвонлик ва дорбозлик ўйинларидир. Қадимдан Шоҳимардон полвон ва дорбозлари юртимиз ва жаҳоннинг кўплаб давлатларида бўлиб, ўзларининг куч ва маҳоратларини намойиш этганлар.

Айни пайтда Шоҳимардон марказидаги иккита дор майдонида навбат билан 3 та полвонлик ва дорбозлик труппалари ўз санъатини намойиш этмоқда. Булар Лочин Усмоновнинг набиралари, Турсунали полвон ҳамда Аҳад полвоннинг дорбозлик труппаларидир.

Аввал катталар ўз маҳоратини намойиш этади. Кейинги навбат энг ёш полвонларнинг ўйинларига берилади. Бунда 8-10 ёшли полвонлар полвонтошлар, турли акробатик ўйинлар билан томошабинларни баҳраманд этишади. 32 килолик тошларни юқорига кўтариш, отиб ўйнаш, ярим доира шаклида ўзидан 6-7 баравар оғир юкни кўтара олиш, автомобиль тортиш, личокли нарвонлардан кўтарилиш, юқоридан шиша ли ерга сакраш, олов ҳалқалардан акробатик усулда сакраб ўтиш, олов устида юриш каби трюклар бажарилади.

Баъзи томошалар кечкурун ҳам давом этади. Томошанинг охирида асосий ўйинлардан бири – дор бошланади. Бошловчи мухлислари ўз эътиборига қаратиб, дорга чиқиб кетаётган дорбозга оқ фотиҳа беради. Дорбоз 10 килолик лангарни кўтариб мувозанат сақлаганча дорга кўтарилади.

Турсунали полвоннинг сўзларига кўра, одамларда ихлос бўлади полвонларга нисбатан. Уларнинг ихлосини сўндирмаслик, саклаб қолиш қийин масала. Шунинг учун у шогирдларига билагида кучи бор одам, ҳаммаша ақлини ишга сола билиши, одамларга камтарлик билан муносабатда бўлиши шартлигини таъкидлайди.

"МАК-МАК"

Шахло ХУДОЙҚУЛОВА,
Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши бўлим бошлиғи:

— Ёшлигимизда байрамда дугоналар билан кўришиш ва шу асносида тўдаллашиб ўйинлар ўйнаш имкони пайдо бўларди. Улар орасида энг осони "5 тош" деб аталиб, 5 та тошни ҳар хил шаклда қўлдан қўлга ўтказиш, тўп ёрдамида 2 гуруҳга бўлиниб, ўртага кирган рақибларни тўп билан уриш, резинка ёрдамида ўйин қисмларини ўзимизча 1 дан 11 гача бўлган ҳолда сакраб рақиблардан ўзиб кетиш каби ҳаракатлар билан кун кечикиб қолганини ҳам сезмасдик.

Ерга рақамларни чизиб, тош отиб, бир оёқда ёки икки оёқда бўлсин сакраб-сакраб

"мак-мак" деб аталган ўйиннинг қоидасига кўра белгиланган манзилга етиб бориш каби ҳаракатларни бажарардик.

Телефон ва гаджетлар йўқ замонда меҳр-оқибат ҳам бошқача эди. Ўйинлар ҳам жуда содда ва табиий бўлиб, улар болаларни ўзаро бириктириб, бирга меҳнат қилиш, бирга яшаш ва бир-бирига улашиш, дўстлик ва ҳамжихатликни тараннум этарди. Байрамлар дўстлар ва улар билан ўйналадиган ўйинлар сабаб янада завқли эди.

Истардимки, фарзандларимиз югурсин, қувласин, сакрасин, кулсин, куйласин, умуман, кўпроқ ҳаракатда бўлишсин. Бунда эса биз катталарнинг ўрни ва эътибори талаб этилади.

"ОҚ ШОЛИ ВА КЎК ШОЛИ"

Нигора САФАРОВА,
Бухоро давлат педагогика институти профессори:

— Ўзбек фольклорининг бошқа жанрлари каби болаларнинг анъанавий ўйинлари ҳам ўзига хос тарихий-генетик илдишларга ва бандий тадрижга эга. Уларнинг бадииятида ранг рамзийликларининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Айтайлик, болалар ўртасида кенг тарқалган "Оқ теракми, кўк терак", "Оқ шоли, кўк шоли", "Бўёқлар" сингари ўйинлар шулар жумласидандир. Уларда ибтидоий аждодларимизнинг ранглар ҳақидаги мифологик қарашлари ўз аксини толган. Бу ўйинлар узоқ замонлардан бери болалар репертуарида яшаб келмоқда. Улар ҳақида ўзбек болалар фольклорига бағишланган деярли ҳар бир ишда маълум фикр билдириб ўтилган.

Жумладан, "Оқ теракми, кўк терак" ўйини ибтидоий инсонларнинг дарахт топичига ишончи, қадимий маросимлар, оқ ва кўк рангларига нисбатан магик-эътиқодий қарашлари асосида келиб чиққанлиги айтилган, "Оқ шоли, кўк шоли" ўйинининг генезиси фақат ранг рамзийликлари билан боғлиқдир.

Аммо кейинги кузатишларимиз ва тадқиқотларимиз жараёнида узоқ даврлардан бери шонликорлик билан кенг шўғулланиб келаётган Хоразм халқи болалари орасида ҳамон фаол ўйналиб келинаётган бу ўйиннинг генезиси кўпроқ қадимги инсонларнинг мавсумларни ранглар воситасида талқин қилишга алоқадор тажрибаси асосида шундай номланганлиги равшанлашди.

Бинобарин, "Оқ шоли, кўк шоли" ўйинида шонлининг яхши ёки ёмон ҳосил берганлигига ишора қилувчи маъно етакчилик қилади. Бунда "оқ шоли" оппоқ, бўлик, сифатли, яхши гуруч донларини аналтаса, "кўк шоли" бирикмаси касалланган, қорайган, сифатсиз гуруч донларига ёки курмакка нисбатан қўлланган. Мазкур рангларда ҳам қадимги инсонларнинг оқ ва кўк ранглар ҳақидаги мифологик тасаввурлари, жумладан, оқ рангда бахт, омад, ёруғлик, яхшилик, кўк рангда эса мангуликка етакловчи рамзий маънолар акс этган.

Наврўз кунлари болалигини, табиатга яқин бўлган пайтларининг эсланг, набиранинг, фарзандининг, ука-сингилларининг билан бирга табиатдаги шукуҳдан баҳра олинг. Қаранг, ташқарида осмон бўйи ҳаёт жўш урмоқда.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
"Ўзбекистон ovozi" муҳбири.

NAVRO'Z SHUKUHI

МЕХР-ОҚИБАТ, ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК АЙЁМИ

БАҲОР – БАЙРАМЛАР ФАСЛИ. ЮРТИМИЗНИНГ БАРЧА ХУДУДЛАРИДА НАВРЎ ШОДИЁНАЛАРИ ТАНТАНАЛАРГА УЛАНМОҚДА, ВОДИЙЛАР, ВОҲАЛАРДА САЙИЛЛАР, ТАДБИРЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА. АЁЛЛАРИМИЗ ЖИПСЛАШИБ, СУМАЛАК, ҲАЛИМ, КЎК СОМСАЛАР КАБИ МИЛЛИЙ ТАОМЛАР БИЛАН ДАСТУРХОН БАЗАШСА, БОШИДА ДЎППИ, ЭГНИДА АТЛАС КЎЙЛАКЛИ ҚИЗЛАРИМИЗ ХУШ-ХУРСАНДЧИЛИК БИЛАН АРҒИМЧОҚ УЧИШМОҚДА. ЭР-ЙИГИТЛАР ДАЛАЛАРДА КЎЧАТ ЎТҚАЗИШ БИЛАН ЁҚИМЛИ ЮМУШЛАР БИЛАН БАНД. ЭНГ МУҲИМИ, БАЙРАМ БАҲОНАСИДА МЕХР-ОҚИБАТ РИШТАЛАРИ, ХАЛҚИМИЗГА ХОС АНЪАНАЛАР ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА. ШУНИНГ УЧУН АЙТИШАДИ-ДА, БАҲОРГА, НАВРЎЗГА ЕТКАЗГАНИГА ШУКР, ДЕБ...



Атроф-муҳит билан ҳамоҳанглик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва раҳмдил бўлиш, бағрикенглик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик ушбу қадимий байрамнинг руҳи ва фалсафасини ўзида мужассам этганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу юксак фазилатлар жойларда Наврўз муносабати билан ўтказилаётган тадбирларда ҳам яққол кўринмоқда.

Кўни кеча байрам муносабати билан Гурлан тумани Алишер Навоий номидаги истироҳат боғида "Олам нурга тўлсин сен билан Наврўз" бош ғояси асосида халқ сайли ўтказилди.

Санъаткорлар, ёш эстрада ижрочилари ва рақс жамоалари, спорт усталари, бадиий ҳаваскорлар ва фольклор жамоаларининг чиқишлари, ёш хунармандларнинг кўргазмаларидан иборат маданий дастур йиғилганларга байрамона кайфият улашди.

Тадбирда халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Д.Ниязметова ва халқ депутатлари туман кенгаши депутати Д.Матякубова ўзлари фаолият юритаётган мактаб жамоаси билан биргаликда Наврўз байрами таомлари

кўргазмасини намойиш қилишди.

Тадбирда туман ҳоқими У.Жуманиязов, Ўзбекистон Қаҳрамони А.Маҳмудова ва туман сектори раҳбарлари иштирок этишди ва байрамнинг тарихи, унинг ўзига хослиги ҳақида фикр билдириб, ушбу сана билан барчани самимий табриклашди.

Байрам муносабати билан дошқозонда миллий таом, сумалак тайёрланди. Сумалак тайёрлаш жараёнида аёллар лапарлар айтишиб, чилдирма садолари остида ўйин-кулгу қилишди.

Болажонлар қалбига қувонч улашган мазкур байрам тадбирларида болажонлар ижросида миллий куй-кўшиқ ва рақслар, сахна кўринишлари намойиш этилди.

"ОЛАМ НУРГА ТЎЛСИН, СЕН БИЛАН НАВРЎЗ!"

Олот тумани марказидаги Марказий ўйингоҳда ҳам янгилаш ва яшариш айёми бўлган Наврўз умумхалқ байрами халқ сайли

тарзида тантанали нишонланди.

Табиат уйғониб, гўзал диёримизга барчамиз орзиқиб, соғиниб кутган Наврўзи олам кириб келгани билан ҳамма бир-бирини қутлади. Чунки бу байрам азалдан халқимизнинг эзгу ва гўзал қадриятларини, унинг олижаноб орзу-интилишларини ўзида мужассам этиб, аждодларимиздан бизга ўлмас мерос сифатида ўтиб келаётган байрамдир, дейишди сўзга чиққанлар.

Наврўз нафақат тўкин-сочинлик, балки хотиржамлик, тинч-тотувлик рамзи, элу юрт фирлашиб нишонланадиган улғу байрам сифатида ҳам ардоқланишига урғу беришди.

Байрам тадбирида халқ депутатлари Олот туман Кенгашидаги ЎзХДП депутати Наргиза Нейматова сўзга чиқди ва иштирокчиларни байрам билан муборакбод этди.

Байрамда дорбозларнинг ёрқин чиқишлари, санъаткорлар, болалар шоу гуруҳларининг чиқишлари ташриф буюрганларга кўтаринки баҳорий кайфият улашди.

КОСОНДА НАВРЎЗ ТАНТАНАЛАРИ

Наврўз бу тинчлик, тотувлик, фаровонлик байрами. Кексаю ёш учун бирдек азиз шодиёна. Шунинг учун ҳаммамиз Наврўзни интиқлик билан кутамиз, қариндош-уруғ, кўни-кўшнилари, яқинларимиз билан бирга, ҳамжиҳатликда нишонлаймиз.

Ўзбекистон ХДП Косон туман Кенгаши томонидан "Чорбоғ" маҳалла фуқаролар йиғинида Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан байрам тадбири ўтказилди. Унда партиямиз фаоли О.Давронова сўзга чиқиб, йиғилганлар, партия ва маҳалла фаолларини байрам билан табриклади.

Байрам тадбирида 86-ўрта таълим мактабининг ўқувчилари ўзларининг бадиий чиқишлари ҳамда муסיқий чиқишлар билан Наврўз шукўҳини янада оширди. Шунингдек, халқ ўйинларидан беллашувлар ташкил этилиб, ғолиблар рағбатлантирилди.

Ўз мухбиримиз.

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР БЕЛЛАШУВИ



МАМЛАКАТИМИЗДА ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, УЛАРГА ЗАРУР ШАРТ-ШАРОИТЛАР ВА ИМКОНЯТЛАРНИ ЯРАТИБ БЕРИШ БОРАСИДА МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ БАЗА ЯРАТИЛГАН. АСОСИЙСИ, БУ ТИЗИМ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА ҲАМОҲАНГ РАВИШДА ТАКОМИЛЛАШТИРИБ БОРИЛМОҚДА. ХУСУСАН, 2024 ЙИЛНИНГ ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ, ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ ҲАМ БУНГА МИСОЛ БЎЛА ОЛАДИ.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам ёшлар билан ишлаш, уларнинг билим ва салоҳиятини оширишда ўзига хос ёндашув ва тажрибага эга бўлиб, бир қатор самарали лойиҳаларни ўтказиб келмоқда. Мақсад партиянинг асосий ғоя ва мақсадларини тарғиб қилган ҳолда ёшларни сиёсий жараёнларга кўпроқ жалб этиш, аъзолар орасида ёшларнинг салмоғини оширишдан иборатдир.

Иқтидорли ёшларнинг мантиқий фикрлаш даражасини ҳамда интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш мақсадида партия Марказий Кенгаши Ёшлар сектори ташаббуси билан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида "Заковат" интеллектуал ўйини ташкил этилди. Унда республикамиздаги

13 та энг нуфузли олий таълим муассасаларининг талабалари иштирок этиб, ўз билим ва кўникмаларини сынаб кўришди.

Беллашувга "Заковат" клуби ходимлари таклиф қилиниб, иштирокчилар айнан клуб ходимлари томонидан тайёрланган саволларга жавоб беришди. Ўйин давомида ёшларга хос шижоат, топқирлик, ғалабага бўлган интилиш сезилиб турди. Ҳар бир савол муҳокамаси учун 1 дақиқа вақт ажратилиб, очколар саволларнинг мураккаблигига қараб белгиланди.

Қизгин ва қизиқарли кечган ўйин натижаларига биноан 3-ўрин Тошкент давлат юридик университети талабаларидан таркиб топган жамоага насиб қилди. Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг зукко йиғит-қизлари фахрли 2-ўринга лойиқ

топилди. Саволларнинг деярли барчасига тўғри жавоб берган Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабалари эса биринчи ўринни қўлга киритди.

Билимга чанқок, теран фикрлайдиган, ўз сўзи ва қизиқишларига эга ёшларни тақдирлаш учун Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси, партия Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Фирдавс Шарипов сўз олиб, авваламбор барчани яқинлашиб келаётган Наврўз айёми билан самимий табриклади. У беллашувга келган ҳар бир йигит-қиз аслида ғолиб эканини қайд этди. ЎзХДП эҳтиёжманд аҳоли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга, келажагимиз бўлмиш ёшларни ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Боиси юрт келажаги айнан ёшлар қўлидадир.

Яқунда ғолиб ва совриндорларга энг кўп ўқилувчи бадиий китоблар жамламаси, фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Халқ демократик партияси талабалар иштирокидаги "Заковат" интеллектуал ўйинларини келгусида анъанавий тарзда ўтказишни режалаштирган.

ЎзХДП Ахборот хизмати.



«ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ» ЭВОЛЮЦИЯСИ

Open Budget қандай қилиб фуқаролик жамиятини қураётгани ҳақида



Сурхондарёдаги бир маҳалла кўп йиллардан буён электр, сув, йўл муаммоларидан қийналарди. 2020 йили шу маҳаллада яшовчи Ойбек Усанов «Ташаббусли бюджет»да омадини синашга қарор қилди. Бу тажриба аҳоли ҳаётини қанчалик ўзгартиргани ва одамларни қандай бирлаштиргани — Жаҳонгир Азимов репортажиди.

Сурхондарёнинг Қумқўрғон туманида 200 га яқин хонадон яшайдиган «Янгиҳаёт» маҳалласи бор. Ўзбекистоннинг аксарият чекка ҳудудлари аҳолиси каби, янгиҳаётликлар ҳам биттагина трансформаторни қўшни — Бандихон туманининг «Обикор» маҳалласи билан бирга бўлишиб ишлатарди. Ускуна бор-йўғи 100 та уй ҳужалигини электр энергияси билан таъминлай оларди, холос. Оқибатда Қумқўрғон туманининг 100 та хонадони ва чегарадош маҳалланинг яна 200 та ҳовлиси электрни узук-юлуқ олса оларди, бўлмаса йўқ.

Шундай ҳаёт тарзи 2020 йилгача табиий бир ҳол эди. Пандемия энг авжига чиққан вақтда Термиз давлат университетининг архитектура факультетида ўқийдиган янгиҳаётлик Ойбек Усанов қўшниларига «Ташаббусли бюджет»да қатнашиб, омадини синиб, ҳамма учун янги трансформатор ўрнатишни таклиф қилди. У бу лойиҳа ҳақида Хушнудбек Худойбердиевнинг блогидан хабар топганди.

«Нима таклиф қилишни узоқ ўйлаб ўтирганим йўқ. Яхшилаб ҳисоб-китоб қилмаган бўлсам-да, 100 млн сўм керак, деб кўрсатдим. Лекин шу пул етарли бўлди», — дея эслайди ёш архитектор.

Нега айнан трансформатор? Ойбекнинг айтишича, электрсиз «Янгиҳаёт» аҳли ўзини худди дунёдан узилиб қолгандек ҳис қилган. Айниқса, кириш имтиҳонларига қоронғида ва интернетсиз тайёрланадиган абитуриентлар бу муаммони ўз танида жуда кучли ҳис қиларди.

«Очик бюджет» қоидаларига кўра, фуқаролар кичик маҳаллий (локал) муаммоларни ҳал қилиш учун лойиҳалар таклиф қилиши мумкин. Аҳоли кўпинча йўлларнинг ёмонлигини, таълим ва тиббиёт муассасаларининг таъмирталаб ҳолга келиб қолганини, муҳандислик инфратузилмаларининг етишмаслигини кўрсатади. Энг кўп овоз олган лойиҳалар ғолиб чиқади.

Биринчи йили «Ташаббусли бюджет» кўп ҳам оммалашмади: фуқаролар бюджет пуллари тақсимотида ўзлари ҳам қатнаша олишларига ва умуман давлат солиқ тўловчилар ҳақида қайғуришига кўп ҳам ишонмади.

«Одамлар Ўзбекистонда бундай бўлиши мумкин эмас, деб ўйлаётганди», — деб эслайди Ойбек Усанов.

Карантин чекловлари сабаб йигит овоз тўплаш учун кўчага чиқа олмаган. Шу боис у телефон орқали қариндошларидан ёрдам сўраган. Уларга «Ташаббусли бюджет» нималиги, унда янгиҳаётликлар қандай лойиҳа билан қатнашаётгани, овоз қандай берилишини эринмай тушунтирган. Аҳолининг ишонч даражасини маҳалланинг биринчи йили ғолиб чиқишига имкон берган овозлар сонидан ҳам кўриш мумкин: маҳалла атиги 32 та овоз эвазига трансформаторли бўлган.

«Ғалаба қозонганимдан кейин ҳам кўпчилик ишонмади. Одамлар ҳақиқий натижани — ўз уйда электр таъминоти узлуксиз бўлиб қолганини кўрганидан кейин Open Budget'га ишонч ошиб кетди», — дея хикоя қилади Ойбек Усанов.

Ишонч билан рақобат ҳам ўсди. Бугун ўзбекистонликлар «Ташаббусли бюджет» учун ўн минглаб лойиҳаларни киритмоқда. Таққослаш учун, 2019 йили фуқаролар 28,7 мингта лойиҳани илгари сурган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 69,7 мингтага етди.

Одамлар орасидаги овозадан ташқари давлат органларининг иши ҳам ушбу лойиҳага бўлган қизиқишининг ошишига хизмат қилди. Масалан, Сурхондарё вилоят Молия бошқармаси талабалар, хусусан, Термиз давлат университети орқали «Ташаббусли бюджет»га янги аудиторияни жалб этишга қарор қилди. Open Budget'нинг иккинчи мавсумида қатнашаётган талабаларга (улар орасида Ойбек Усанов ҳам бор эди) совғалар ваъда қилинди.

Янгиҳаётликларнинг муваффақияти бандихонлик қўшнилари ҳам Ойбек Усановдан «Ташаббусли бюджет» сир-асрорларини ўрганишга ундади. Иккала маҳалла ҳам ўз ҳудуди-

дан ўтган марказий кўчанинг йўл қоламасини янгилаш бўйича лойиҳа билан чиқди. «Янгиҳаёт»даги лойиҳа қиймати 1,2 млрд сўмга баҳоланган эди, дея хотирлайди Ойбек Усанов.

«Рақобат жуда кучли бўлди. Туни билан газ-заправкаларда юриб, овоз тўплашга тўғри келди. Кундузи ўқиб, кечаси ҳайдовчи ва йўловчиларни лойиҳамиз учун овоз беришга кўндиришга уринардик. Ҳар бир машинада тўрт-беш киши борлигини ҳисобга олинг-да. 20 кун шундай тиним билмадик», — дейди Ойбек Усанов.

Йўловчиларни кўндириш осон бўлгани йўқ. Кўпчилик SMS-хабар ичида келган кодни нима қилиш кераклигини тушунмас, бу хабар қандайдир молиявий операциялар билан боғлиқ бўлса-чи, код киритилган, банк картмадаги пуллари ўғирлаб, ечиб олишса-чи, деб хавотирланганлар кўп эди.

«Баъзилар ўз маҳалласидаги лойиҳасига овоз беришни маъқул кўрарди — одамлар аста-секин Open Budget ҳақида хабар топа бошлаганди. Баъзилар телефонда қандай ишларни билмасди. Ҳозир одамлар овоз учун газли сув, ёғ ёки пул таклиф қиляпти. Бунақа ишлар ҳаёлимизга ҳам келмагани, — дея тан олади Ойбек Усанов. — Биз одамларни ўз асосларимизни келтириб кўндиришга ҳаракат қилардик. Балки шунинг учун бизга қийинроқ бўлгандир, чунки овоз берган одам эвазига ҳеч нарса олмасди».

Ойбек Усанов 3898 та овоз тўплашга муваффақ бўлган — Қумқўрғон туманида фақат битта маҳалла бундан-да кўпроқ овоз йиққан, холос. Ғолиб маҳаллалар номи расман эълон қилинган тантанали маросим Тошкентда бўлиб ўтган. Шахсан молия вазирининг ўзи ғолибларни кутлаган. Лойиҳадаги фол иштироки учун Ойбек Усановга планшет совға қилинган.

Олдинда янгиҳаётликларни марказий кўчанинг текислишини узоқ кўтишдек оғир азоб кутарди. Мавсум финалчилари уларнинг ғолиб чиққан лойиҳалари ҳаётга татбиқ этилишини бир неча ойлаб кўтишга мажбур. Бу маблағ тақсимоти механизми ва харидлар жараёни билан боғлиқ. Маҳалла ғолиб бўлгани ҳақида апрелда хабар топган бўлса ҳам, пул ёз ўрталаридагина ҳисобга тушган. Бу вақт ичида одамларнинг «Ташаббусли бюджет» ва Ойбек Усановга бўлган ишончига дарз кетишига бир баъа қолган.

«Кўпчилик олдимга келиб, „Йўл бўларканми, йўқми?“, „Нега асфальт қилмаяпти?“ деб сўрарди. Дўстларим шунча куч ва вақтини бесамар кетказганидан норози эди. Мен Молия вазирлигига кўнгирак қилиб, пул қачон тушишини сўрадим. Аҳвол шу даражага етдики, охири ўзим ҳам пулнинг тушишига шубҳа қилиб қолдим», — дея ўз ҳисларини баён қилади у.



Ойбек Усанов

» **Турли қишлоқ ва маҳаллалар аҳолиси бамаслаҳат уюшаркан, кимнинг лойиҳаси айнан ҳозир устуворроғи, кимники келаси мавсумни ҳам кутиб тура олади — шунинг ҳам муҳокама қилади. Узаро келишиб бир лойиҳа учун овоз бераркан, фуқаролар нафақат ғолиблик учун имкониятни оширади, балки ён беришни, сабр билан, аммо келаси мавсум бугун ёрдам олаётган қўшнилари худди шундай қўллаб-қувватлов билан жавоб қайтаришига ишонишни ўрганади.**

Пул тушгач, маҳалла аҳли қурилиш ишларини қатъий назорат қилиб борди. Ойбек Усановнинг айтишича, янгиҳаётликлар ижрозидан асфальтни сифатли қилиб ётқиизишни талаб қилган.

«Биз олдиндан шарт қўйгандик: қилсанг сифатли қиласан, бўлмаса умуман қилмайсан», — дея эслайди Усанов.

Иш битгач, маҳалла янги йўлда юк машиналаридан фойдаланмасликка келишиб олган. «Асфальт ҳозир ҳам аъло даражада. Оқсоқолларимиз юк машиналарини ортага қайтариб юборганини ўзим бир неча бор кўрдим», — дея қўшимча қилди Ойбек.

2022 йилги овоз тўплаш жараёнида Ойбек қатнашмади. Аввалги йиллар муваффақияти янгиҳаётликларни лойиҳаларни мустақил таклиф қилиш ва уларнинг ғолиб чиқиши учун қуралишига рағбатланттирди. Бу сафар маҳалла аҳли кўп йиллик ичимлик суви муаммосини ҳал қилиш учун қўшни «Обикор» маҳалласи билан бирга баҳамжihat ҳаракат қилишга қарор берди. Қишлоқлар пайдо бўлганидан бери сув учун ирмоққа қатнардик. Вақт ўтиши билан насосли қудуқлар пайдо бўлди, лекин сувни барибир челақда ташиш керак эди. Қоида тарихида, бу иш билан шуғулланиш хотин-қиз-

лар ва болалар зиммасида эди.

Бюджет пуллари қўлга киритиш учун қурашда янгиҳаётликлар ва обикорликлар бошқалардан намуна олди. Улар ёғ ва газли сувлар сотиб олиш учун ўртага пул ташлашди, Тошкентдан овоз йиғиб бериши учун талабаларни ёллашди. Натижада ҳар иккала маҳалладаги ҳар бир хонадонга ичимлик суви кириб борди.

Овоз эвазига мукофотни лойиҳаларни иштирокчиларнинг ўзи томонидан биргаликда молиялаштирилиши сифатида кўриш ҳам мумкин, бу эса фуқароларнинг ҳал этилаётган муаммоларга дахлдорлик ҳиссини оширади, деб ёзганди БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси собиқ раҳбари Матильда Димовска «Газета.уз» ёзган мақоласида. Қайд этиш жоиз, ишнинг бошида — 2019 йили, БМТ Тараққиёт дастури «Ташаббусли бюджет» методологияси ва моделини танлашда Ўзбекистон ҳукуматига қўмак кўрсатган эди.

2020 йилдан буён Open Budget сиёсати ўзгариб, тадрижий ривожланиб бормоқда. Лойиҳа аввалида ишлаган айрим усуллар такомиллаштирилипти, умрини яшаб бўлган бошқалари эса аста-секин фойдаланишдан чиқмоқда.

Масалан, 2024 йилдан «Бир фуқаро — бир овоз» тамойили жорий этилди. Бу, бир фуқаро, унинг номида бир неча SIM-карта бўлса ҳам, бир мавсумда фақат бир марта овоз бера олишини аналтади. Мазкур чора бир дунё SIM-карта сотиб олиб, лойиҳасининг ғолиблик имкониятини оширишга уринганларнинг хатти-ҳаракатларининг бир жавоб бўлди.

2022 йили Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулбаҳор Саидғаниева 2 минг киши яшайдиган маҳалла 10 мингта овоз тўлаганига ишора қилиб, бундай кўринишда овоз тўплашни сунъий деб атаганди.

Бундан жавобан иқтисодчи Отабек Бакиров «Ташаббусли бюджет» одамларда сайлов кампанияларини олиб бориш кўниқмасини шакллантираётгани ва овоз қадри ошиб бораётганини таъкидлаган эди.

«2021 йили ҳисобга 3 минг сўм ташлаб беришарди. Ҳозир бу нарса йўқ. Келаси йили одамлар овозини битта „қола“ эвазига сотишга рози бўлмайдими», — деганди у.

Бундан ташқари, «Бир фуқаро — бир овоз» тамойили турли кўринишдаги овоз тўплашга мажбурловлар олдини ҳам олади. Масалан, 2023 йили Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги мактаблардан бирининг директори SIM-карталар сотиб олиш учун ўқувчилардан 10–20 минг сўмдан пул йиққани маълум бўлганди. Навоий вилоятидаги мактаб директори эса ўқитувчилардан лойиҳа учун 100 тадан овоз тўплашни талаб қилганди.

«Бир фуқаро — бир овоз» тамойили битта паспортга бир неча SIM-карта расмийлаштирилган оилаларга ҳам таъсир қилади. Бундан буён оиланинг ҳар бир аъзоси ўзининг шахсни тасдиқловчи ҳужжатига расмийлаштирилган алоҳида телефон рақамига эга бўлиши керак. Бу ҳолат овозлар пойғасига қандай таъсир қилади — ҳали кўрамай.

Ойбек Усанов «Ташаббусли бюджет» сиёсатидаги ўзгаришларга ижобий муносабатда. Ушбу ўзгаришлар овоз йиғиш жараёнини такомиллаштиришига, пойгани янада шаффоф қилишига ва ўзбекистонликларни турмуш шароитларини яхшилаш йўлида бирлашишга рағбатланттиришига унинг ишончи комил. Фуқаролар, «Янгиҳаёт» ва «Обикор» маҳаллаларида ичимлик суви учун бўлганидек, умумий лойиҳанинг ғолиб чиқиши учунгина бирлашмайди.

Турли қишлоқ ва маҳаллалар аҳолиси бамаслаҳат уюшаркан, кимнинг лойиҳаси айнан ҳозир устуворроғи, кимники келаси мавсумни ҳам кутиб тура олади — шунинг ҳам муҳокама қилади. Узаро келишиб бир лойиҳа учун овоз бераркан, фуқаролар нафақат ғолиблик учун имкониятни оширади, балки ён беришни, сабр билан, аммо келаси мавсум бугун ёрдам олаётган қўшнилари худди шундай қўллаб-қувватлов билан жавоб қайтаришига ишонишни ўрганади.

Шу тариқа, Ўзбекистонда мавсумма-мавсум фуқаролик жамияти ҳам қурилиб қолади.

Ҳамма ўз тарихини улуғлайди. Лекин бизнинг мамлакатимиздагидек бой тарих, боболаримиздек буюк алломалар ҳеч қаерда йўқ. Бу меросни чуқур ўрганишимиз, халқимизга, дунёга етказа билишимиз керак.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ЎРГАН ВА ИБРАТ ОЛ

Тарихдан маълумки, буюк жадид боболаримиз ўз замонасининг фидойиси, бўлгуси озода жамиятнинг фаол тарғиботчиси бўлишлари ба-робарида, ёш авлод учун ҳам ибрат намунаси-дир. Ана шундай фидокорлар маърифат оқсаган вақтда илм томон йўловчи маёқ бўлиб порла-ган ва ўз оташи билан атрофидаги инсонларга ёруғлик тарқатишга ҳаракат қилишган. Бу ёруғ-лик шубҳасиз илм нури эди. Зиё таратиш йў-лида эса жонларини фидо қилишга қодир мард инсонлар бўлишган.

Туркистон жадидчилик ҳаракати етакчилари-нинг меросига назар ташлар эканмиз, уларни ўйлантирган энг катта муаммо халқнинг илмсиз-лиги оқибатида жаҳолат ботқоғига ботиб қолган ва бу жаҳолат вақт сайин ўз домига чуқурроқ тортиб бораётгани эди. Жонкуяр жадидчи бо-бомиз Беҳбудийнинг таъбири билан айтганда: «Замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бош-қа миллатларга поймол бўлур». Ёхуд Абдулла Авлоний: «Маорифдан, фунун ва маданиятдан маҳрум қолган халқ жаҳолат панжаларининг орасида эзилур», деб таъкидлайди. Гарчанд бу каби ундовчи, интилишга чорловчи сўзлари ўзи учун қазилаётган чоҳ эканини билса-да, милла-ти учун мардонавор олға интилди.

Шу ўринда Беҳбудийнинг «Жаҳолат дардла-ридан» номли мақоласи эътиборга молик. Мақо-лада халқнинг илмсизлиги, тобора жаҳолат ботқоғи томон кетаётгани акс этган. Туркистон-ликлар ўз исларини мустамлакачилар томони-дан бузиб талқин қилинишига жим қараб тур-гани, ҳатто шу қадар инсонларни ғафлат босиб идораларда исларини тўғри талқинини айтиш-са, қабул қилмай, бузилган ҳолатини маъкул кўриш даражасигача етиб келганидан афсус чекади. «Ёдгор» исмини «Жодигор», «Фатхул-

ла»ни «Потхулла», «Абдуқодир»ни «Обдуқо-дир». Ўз исмини асл ҳолига қайтаришни хоҳла-маган халқни бир пайтлар ўз эрки ўзида бўлган халқ ҳолига қайтариш жуда ҳам машаққатли иш бўлган. Шундай бўлса-да, ёшларни саводли, за-монавий илму фандан хабардор қилиш орқали уларни мустақилликка ундашган.

Маърифатпарвар қаҳрамонимиз халқ фар-зандларини илмли қилиш йўлида бор имконият-ларидан фойдаланади. Ушбу машаққат йўлида «Беҳбудия» номли кутубхона очилган муваффақ бўлади. Кутубхона учун махсус ишчи гуруҳ таш-кил этилган бўлиб, улар икки сменада фаолият юритган. «Туркистон вилоятининг газети» 1908 йил ноябрь сонидида «Самарқанд кутубхона ис-ломияси» номли мақоласи босилади. Мақолада кутубхона ва ундаги мавжуд асарлар, журнал, газеталар ҳақида батафсил маълумот келтирил-ган.

Маълум бўлишича, кутубхона жамғармаси-да тўпланган китоб ва рисоалар ўша кезларда 600 та, газета ва журналлар эса ундан ҳам кўп бўлган. Агар пул кўпайса, диний ва дунёвий ки-тобларни янада кўпроқ сотиб олиш, Истанбул ва Коҳирада нашр бораётгани ҳақида хабар бер-илган бўлса, буна бўлиш мумкинлигини айтган. «Туркистон вилоятининг газети» қарийб ҳар бир сонидида китоб сотиб олиб ўқиш имконига эга бўлмаган кишиларда кутубхонага қизиқиш-нинг тобора ортиб бораётгани ҳақида хабар бер-иб борилган. Газетанинг 1909 йил 15 январь сонидида берилган маълумотга қараганда, 2000 нафарга яқин кишилар кутубхонадаги адабиёт ва матбуот асарларидан баҳраманд бўлганлар. Беҳбудий кутубхонанинг ташкилотчилиги-на эмас, балки ундан ўрин олган китоб ва рисола-ларнинг кўпгина қисмининг муаллифи ҳам эди.



Янгиликлар тарафдори сифатида янги қўл-ланмалар яратиш билан чекланибгина қолмай, илм йўлида театр очди, янги адабиётга асос солди, биринчи ўзбек театри учун саҳналашти-рилган «Падарқуш» пьесаси орқали ўзбек театр тарихи бошланади.

Хориж мамлакатларига қилган саёҳатлари давомида Ғарб ва Шарқ мамлакатлари ўртасида тафовутни англади ва тараққиёт йўлининг энг биринчи йўналиши илм-фан ва техника зару-рияти эканини тарғиб қилишга киришди. Минг афсуски, ўз олдига қўйган эзгу мақсадларни амалга оширишга мавжуд вазият, ижтимоий тузум йўл бермади. Маориф, илм-фаннинг тар-раққиёти, миллий юксалиш орзуси армон бўлиб қолди.

Шу ўринда жадидларнинг ёшларга мурожа-ати эътибор қилайлик: «Эй, гайратлик ёшлар! Бир-бирингиз ила иттифоқ этуб, жамиятлар барпо қилуб, ...миллат йўлида хизмат этингиз. Миллат ва халқ сиздан ҳурмат ва яхшилик та-лаб этадур, нафсоният ва гурур эмас... муҳтарам ёшлар! Замон сизникидир. Балки бутун шарин-гиз ва миллатингиз ила тараққий қилурсиз».

«Янги Ўзбекистонни, албатта, ёшлар билан бирга қурамыз», шiori ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Зулфия, «Мард ўғлон» «Келажак бунёдкори» каби бир қанча давлат мукофот-ларини жорий этилганининг туб мақсади ҳам ээгудир. Турли мукофотлар, стипендиялар бел-гилаш, таълим грантларини тақдим этиш, фан, маданият ва санъат соҳасида ижодий устахона-лар, мактабларни ташкил этишга кўмаклашиш, спорт секциялари фаолиятини ташкил этиш орқали истеъдодли ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш – буларнинг барчаси маъри-фат учундир.

Президентимиз Мурожаатномада алоҳида таъкидлаганидек: «Биз қадимий ва бой тарихи-мизни, айниқса, ғоят оғир шароитда илм-маъри-фат, инсон эркинлиги, халқ озодлиги, Ватанга, миллий кадриятларга меҳр ва садоқат ғоялари-ни дадил кўтариб чиққан жадид боболаримиз фаолиятини янада чуқур ўрганишимиз лозим. Уларнинг улуғ мақсадлар йўлидаги мардона кураши ва фидойилиги Янги Ўзбекистонни қу-ришда барчамиз, аввало, ёшларимиз учун чи-накам ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиши зар-рур».

Дарҳақиқат, барча жадидлар ўз даврида халқни асрий қоқоқлик ва жаҳолатдан олиб чиқа олишини ягона йўли сифатида миллий матбуот ва таълимни юксалтиришни кўришди. Улар мазкур соҳаларнинг ютуқларига катта умид боғлашган эди. Афсуски, тез орада йўлга чиққан қатагон машинаси жадидларнинг эзгу мақсад, эзгу ғоялари амалга оширишга жиддий зарба бўлди. Қисқа умрлари давомида қолдир-ган жуда қимматли мероси, ёзган шеър ашъ-орлари, мақолаларнинг ҳар бири ХХI аср учун ҳам муҳим глобал муаммоларга асосли ечим-дир.

Тўғриси, бугун ҳамма ёшлар ҳам реал та-рихимизни яхши билмаслигидан ҳафа бўламан. Узинг яшаётган, ота-бобонг униб-ўсган юртни англаш, унга хизмат қилиш заруратини кенг-роқ англаш учун тарихни, хусусан, жадидлар тарихини чуқур ўрганишимиз, ўрганибгина қол-масдан, улардан ибрат олишимиз зарур.

Одина МАҲМУДОВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Исломшунослик йўналиши
1-курс магистранти.

Biznesni Rivojlantirish Banki

NAVRO'Z muborak bo'lsin!

www.brb.uz **AVTOKREDIT**

- Avtomobil qiymatining 85%gacha ajratiladi
- Kredit muddati 5 yilgacha
- Kredit foizi yillik 23%dan boshlanadi

1254

“БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БАНКИ” КИЧИК БИЗНЕСГА, ИШ ЎРИНЛАРИ ОЧИЛИШИГА КЎМАКЛАШМОҚДА

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўл-гани каби Андижон вилоятида ҳам тадбиркор-ликни ривожлантириш, кичик ва хусусий биз-несни қўллаб-қувватлаш орқали янги корхона-лар ташкил этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадини оширишга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2023 йил 14 сентябрдаги “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тад-бирлари тўғрисида”ги қарори асосида ташкил этилган “Кичик бизнесга кўмаклашиш маркази” ҳамда “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ фаол иштирок этиб, эришилаётган ижобий на-тижаларга муносиб ҳисса қўшмоқда. “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Андижон вилоятига ташкил этилган пресс-тур доираси-да ана шу йўналишдаги ишлар билан яқиндан танишилди.

Пресс-тур қатнашчилари дастлаб Андижон шаҳрида иш олиб бораётган вилоят “Кичик бизнесга кўмаклашиш маркази” фаолияти, бу ерда кичик бизнес лойиҳаларини танлаш, ташаббускорларни ўқитиш, лойиҳаларни моли-ялаштириш, ахборот билан таъминлаш, бизнес режалар ва техник иқтисодий асосларни ишлаб чиқиш, маҳсулотлар бозорини топиш билан боғлиқ комплекс хизматлар кўрсатиш борасида олиб борилаётган ишлар билан танишди.

– Марказимиз тадбиркорлар ва кичик бизнес вакиллари қўллаб-қувватлашга хизмат қила-ди, – дейди Андижон вилояти кичик бизнесга кўмаклашиш маркази раҳбар Самандар Ҳожи-султонов. – Тадбиркорлар, кичик бизнес вакил-лари ташаббус ва лойиҳалари қўллаб-қувват-ланади, уларнинг кредит олишига, бозор топи-шига кўмаклашилади. Хусусан, ушбу кредитлар оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида ўз бизнес лойиҳаларини муваффақиятли амал-га ошириб, ижобий кредит тарихига эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларга ажратилади. Янада аниқроқ айтишга бўлса, камиди бир йил мобайнида фаолият юритиб келаётган яққа тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон хўжаликлари, ўзини ўзи банд қилган шахслар, хўнарамандлар, касаначилар, нодавлат ташкилотлари, уч ва ундан ортиқ кишини иш билан таъминлаган кич-ик тадбиркорлик субъектларига 100 миллион сўмгача гаровсиз кредитлар ажратилади. Шундан сўнг пресс-тур иштирокчилари Ан-

дижон шаҳрида фаолият олиб бораётган “Олий стандарт текстиль” масъулияти чекланган жа-миятида бўлиб, корхонадаги иш жараёнлари билан танишди.

– “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ томонидан тақдим этилган 30 миллион АҚШ дол-лари миқдоридagi кредит ҳамда ўз маблағлари ҳисобига иш бошлаган мазкур корхона кунига 35 тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга ва “Zamon” бренди асосида маҳсулот ишлаб чиқараяпти, – дейди корхона раҳбари ва таъ-сисчиси Нуриддин Абдураҳмонов. – Маҳсулотла-римиз сифати бўйича барча халқаро стандарт-ларга жавоб беради.

Избоскан тумани “Зарбдор” маҳалласида иш олиб бораётган яққа тартибдаги тадбиркор “Сотволдиева Муслимаҳон Маҳмуджон қизи”нинг фаолияти билан танишдик. Тадбиркор чарм маҳсулотидан оёқ кийимлар ишлаб чиқариш ва таъмирлаш фаолияти билан шуғулланади. Та-дбиркор ўз фаолиятини кенгайтириш мақсадида “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ вилоят банк хизматлари офисидан 100 миллион сўм кредит олиб, янги дастгоҳлар сотиб олиб, ишлаб чиқариш ҳажмини оширди, янги иш ўринлари яратди.

Шундан сўнг тадбир иштирокчилари Ол-тинқул тумани “Айрончи” маҳалласида мебел-чилик йўналишида фаолият олиб бораётган яққа тартибдаги тадбиркор “Темиров Зафарбек Қўрк-масович” ҳамда “Араббой Эркинбоевлар” оила-вий корхонаси фаолияти билан танишди. Ҳар иккала корхона ҳам “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ молиявий кўмағида ўз фаолиятини янада кенгайтирди.

– Корхонамизда бир неча турдаги мебел маҳсулотларини ишлаб чиқарамиз, – дейди “Темиров Зафарбек Қўркмасович” ЯТТ раҳбари Зафарбек Темиров. – “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ Андижон банк хизматлари офисидан 100 миллион сўм кредит олиб, хом ашё ва янги дастгоҳ сотиб олдик, фаолиятимизни кенгайтир-дик. Натижада учта янги иш ўрни яратилди. Биз тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлаб, самарали иш олиб боришимизга яқиндан кўмак-лашиб келаётган “Кичик бизнесга кўмаклашиш маркази” ҳамда “Бизнесни ривожлантириш бан-ки” хизматидан жуда миннатдорمиз.

Тотшемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.





“URGANCH CLUSTER” JAMOASI

халқимизни нафосат ва гўзаллик байрами бўлмиш — Наврўзи олам билан муборакбод этади.

Баҳор айёми барчангизга қувонч ва шодлик, тўкин-сочинлик олиб келсин!



“ЎЗСУВТАЪМИНОТ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни, шу билан бирга тизимда фаолият олиб бораётган барча ходимларни миллий қадриятларимиз рамзи бўлган яшариш ва янгиланиш байрами – Наврўзи олам билан самимий табриклайди!

Баҳор айёми барчангизга қувонч ва шодлик бахш этсин. Хонадонларингиздан тотувлик ва тўкин-сочинлик аримасин. Барчамизга айём муборак бўлсин!






“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК ХОРАЗМ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

*ҳамюртларимизни, ҳамкасбларимизни
бахор байрами – Наврўз шодиёнаси
билан табриклайди.*

*Эзгу ниятлар билан бошланган ҳар бир
ишингиз хайрли бўлсин!*



“PITNAKSUVQURILISH” ДАВЛАТ МУАССАСАСИ

*халқимизни нафосат ва гўзаллик элчиси –
Наврўзи олам билан муборакбод этади.*

*Барча юртдошларимизга сиҳат-саломатлик,
аъло кайфият тилайди.*

*Жамики эзгуликларни ўзида муҳасам қилган
Наврўзи олам ҳар бир оилага фаровонлик олиб
келсин!*





TILLO
ДОМОР

“TILLO DOMOR” XUSUSIY KORXONASI JAMOASI

*юртдошларимизни, мижозларини ҳамда
ҳамкорларини янгиланиш, яшарини ва
гўзаллик байрами — Наврўзи олам
билан табриклайди.*

*Эзгу тилаклар, меҳр-муҳаббат, янгиланиш
фасли бўлмиш бу айём
барчангизга муборак бўлсин!*



ХИВА ШАҲАР МИНТАҚАВИЙ ЙЎЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ КОРХОНАСИ ДАВЛАТ МУАССАСАСИ ЖАМОАСИ

*халқимизни уйғониш ва яшарини, гўзаллик ва нафосат, саховат ва
мурувват рамзи бўлган Наврўз айёми билан қутлайди.*

*Байрам таровати ҳар бир хонадонга осойишталик ва қут-барака
олиб кирсин.*



ҚАЪРИГА ОЛТИН ТЎПЛАГАН ТОШЛАР

БУГУН ҚУРИЛИШ УЧУН АСЛ ХОМ АШЁ

“СЕН БАҲОРНИ СОҒИНГМАДИНГМИ?... АДЛ ҚОМАТИГА ОНАСИ ТУРДИ ҚАРВОН ҚИЗИ МЕҲР БИЛАН ҚАВИГАН ТҮН ВА БОШИГА ДҮППИ ЯРАШГАН БУЮК ШОИРИМИЗ АБДУЛЛА АКА ҚОСОН КЕНГЛИКЛАРИ ТУТАШИБ КЕТГАН ҚҮНГИРТОВ АДирЛАРИГА ЙИГИТЛИК ЧОҒЛАРИДА ЧИҚҚАНИДА ШУНДАЙ ТУЙҒУ ҚАЛБИДА ГУПУРГАН БЎЛСА АЖАБ ЭМАС. КЕЙИН ҚАЛБ

ТУҒЁНЛАРИ ТАБИАТ ВА ИНСОН БИР-БУТУНЛИГИ ҲАҚИДАГИ БЕМИСЛ ШЕЪРГА АЙЛАНДИ ВА ҲАМОН ҚАҲРАТОН ҚИШДА УЮШГАН ҚҮНГИЛЛАР ТИЛАГИ СИФАТИДА ҲАЙРАТГА СОЛИБ КЕЛМОҚДА. ДАРҲАҚИҚАТ, БЕТИМСОЛ ҚАЛБ СОҲИБИ БИР КИТОБИДА ҚАЙТА-ҚАЙТА УҚТИРГАНИДЕК, ТАБИАТ-БОРЛИҚ-МЎЪЖИЗА, БИЗДАН ЭСА ФАҚАТ ҲАЙРАТ СЎРАЙДИ.



Қаранги, ҳар гал Оксув дарёси қирғоғидаги қорхонага келганимда, қуйилиб келаётган тизгинсиз фикр-ўйлар мени баланд-баландларга, узоқдаги қор қоплаган чўққиларини адл кўтарган Ҳисор тизма тоғларигача етказгандай туюлаверади. Бу ҳам бежиз эмас. Қаҳратонда тунгиган кўнгиллар илиган, атрофни яқиндагина кўрпадек қоплаган қор эриб, дарё ва ирмоқлардан дам шилдираб, дам шовуллаб оқаётган палла ҳозир. Аммо, ўша пурвиқор Ҳисор тоғларининг баланд чўққилари ортига ястанган Светцов ва Ботирбой абадий музликлари 10 миллион йиллар давомида эримай келяпти.

Очиғи, Шахрисабз, Яккабоғ туманларидаги дарёлардан қум-шағал ажратиб олаётган йирик қорхоналар кўп. Уларнинг маҳсулотлари ҳам серталаб. Бироқ бирортаси Китоб темир-бетон буюмлари қорхонаси тайёрлаётган қурилиш ашёлари даражасида эмас. Нега дейсизми? Келинг, фикр юритайлик.

Аввало, Китоб – юртимизнинг табиати тенгсиз масканларидан бири. Қорхона номи нимани англатади? Олимларнинг ўрганишича, Китобнинг тарихи 3 минг йиллардан кам эмас. То VIII асргача Оксув дарёси бўйларида обод шаҳар ва қишлоқлар бўлган, босқинчилар вайрон этишгач, ҳозирги Шахрисабз ҳудудига силжиган. Бу ҳақиқат исбот қилиб берилган. Аммо эл яна шу жойда кўқарган, кўрғон, уйлар тиклаган. Ҳазрат Навоий бобомиз Самарқандда таълим олган кезларида бу маъвога қадам ранжида қилган. Асарларидан бирида “Тоғ бағрида бир Кетвар”, деб таърифлаган.

Тадқиқотчилар сирлар сандигидан янги-янги маъноларни чиқаришмоқда. Биров Ҳисор ва Зарафшон тоғлари сув айригич вазифини ба-жаргани учун “кифт” ва “об” сўзлари маъносиде “Кифтиоб” аталган, дейишади. Инкор қилиш мумкин эмас, тоғ қишлоқларида тожик милли-тига мансуб аҳоли умр кечириб келяпти. Яна

бошқа тадқиқотчилар сўғдча “кат” – кўрғон, “Катоб” – сув бўйидаги кўрғон, қишлоқ мазмунига эга, дейишади. “Шахрисабз. Минг йиллар тарихи” китобида академик М.Е.Масон фикрига таяниб, ҳудуддан жуда кўп эски китоблар топилгани тўғрисида асл маъносига эга деган фикр олдинга сурилган. Буни Турон Фанлар академияси академиги Аҳад Бердиев “Китоб ҳақида китоб” асарида шу жойдаги савдо бозорида кўп китоблар сотилган, жой номи шундан келиб чиққан, деган фикрда.

Менимча ҳам, бу ҳақиқат. Ўтмишда бу жойдан улғу алломалар етишиб чиққан. Бир неча аср бурун тоғлар бағридаги қадимги Хожа Имкани, ҳозирги Хужайилмкони қишлоғида катта мадраса бўлган ва илм нурларини тарқатиб келган. Ҳозир мадрасанинг харобалари, айрим бино ва 1200 йиллик чинор сақланиб қолган. Демак, қорхона номи асл китоб сўзидан олинган.

Икки дарё кокилини юваётган Китоб тумани ҳазиналарга тўла. Энг сара узум ва мевалар битади. Варганза анорининг довуғи оламга кетган. Тоғлар бағридаги Сумак қишлоғининг ношватиси нега бозорларда анча қиммат ва таъми бутунлай бошқача эканлигини бирдан айтиш қийин – рост, тенгсиз. Мутахассислар 200 йилга етадиган мармар захираларини аниқлашган. Бунда бир неча йил бурун Хитой давлатидан келган ҳамкорларимиз Кўрғонтоғда цемент заводини ишга туширишди. Ниҳоятда сифатли, серталаб, фақат ҳавога оғир чанглар чиқишига йўл қўймайлик, тенгсиз табиатга зарар етказмаслик ниҳоятда муҳим. Ўйлайманки, чанг чиқаётган қувурларга сув пуракачиқлар ўрнатилса масала ижобий ҳал бўлади. Жаҳонни ҳайратга солаётган хитойлик зукколар янги заводда шундай ускуналарни ишлатишади, албатта.

Яна Китоб темир-бетон буюмлари қорхонасига қайтавиз. Ҳа, унинг дарё қирғоғида қарор топиши бежизга эмас. Юртимизга юриш

қилган Рим фотиҳи Александр Македонский тумани ўраб турган тоғлар бағридаги қадимий Тахтақорача довонидан ўтган. Фотиҳ кўп китоб тарихчиларни олиб юрган. Улардан айримлари “суви оппоқ дарёни кўришгани, олтинга тўла эканлигини” ёзиб қолдиришган экан. Ўша дарё – Оксув. Ҳақиқатда Ҳисор тоғларидан сув олиб келаётган дарё таркибида олтин зарралари мўл-мўл тошларни оқизиб келади. Тепада, юсак чўққиларга ёндош жойда олтин қони борлиги ҳам аниқланган. Вақти келадики бу тенгсиз хазина очилади. Хуллас, ана шу тошларни ювиб, саралаб ишлатиб келмоқда қорхона. Мутахассислар қорхона олаётган шағал ва қум, ундан тайёрланаётган маҳсулотлар сифати баландлигини ҳамма вақт эътироф этиб келишаяпти.

Қорхона оёққа тургунга қадар машаққатли йўлни босиб ўтди. Саксоничи йилларнинг бошида ўнга моҳир қурувчи Собир ака Рўзиев раҳбар бўлиб келди. Унганча Собир ака тумандаги йирик қурилиш ташкилотини бошқарган, гишт заводини қурдирган, кейинчалик Китоб шаҳридаги марказий бозорни обод қилган. Биринчи Президентимизнинг топшириги билан уни бутунлай қайта қуриш ишларининг бошида турган эди. Мен вилоят газетасида ишлаганимда, қорхонага кўп келгандим. Собир ака темир-бетон буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, лоток-ариқлар тайёрлайдиган янги цехни ишга тушириш, ишчи-ҳодимлар учун янги уйлар қуришни йўлга қўйганди.

Собир ака бошқа ишга ўтиб кетгач, қорхона яна муаммолар гирдобиде қолди. Мустақиллик йилларининг бошида хусусийлашди. Унга эгалик қила бошлаган шахрисабзлик Суннат Комилов ва укалари қорхонани яна оёққа турғизиш учун қуч-ғайратларини аямасди. Бу борада уларнинг отаси Олимжон ака маслаҳатгуй, ишбоши эди. Очиғи, Олимжон

ака кўп қийинчиликларни бошдан кечириб, Шахрисабздаги йирик қурилиш ташкилотини ташкил қилган, гишт заводлари қурган, ўнлаб бинолар тиклаганки, ҳозиргача сифати кўпчиликни ҳайратга солиб келяпти. Чунки иккинчи жаҳон урушида отаси ҳалок бўлганида 14 ёшда бўлган Олимжон ака онаси ва сингиллари учун оғир меҳнатни бўйнига олган, қурашлар бағрида тобланган, ҳалол, одамларга меҳрибон, катта ташкилотчи эди. Тадбиркор фарзандлари тумандаги эски қорхонани хусусийлаштириб олгач, кекса бўлишига қарамай, қайтадан тиклаш ишлари бошида турди. Кўп ўтмай қорхона юксала бошлади.

– Қорхонамиз ҳудуди 7,5 – 8 гектарча бор, – дейди ходимлар бўлими бошлиғи Зафар Боқулов. – Қаранг, ишлаб чиқариш майдонларидан қолган ерларга турфа кўчатлар экканмиз. Ўтган йили анча ерга ёнғоқ кўчатларини ўтказдик. Лимон ўстирилаётган иссиқхонамиз ҳам бор. Ҳа, ишчи-ҳодимларимиз 100 дан ошди. Ҳаммаси моҳир ва аҳил. Бу йилги Навруз байрамини рамазон ниҳоясига етгач, албатта, ўтказамиз...

– Сиз дарёдан олинаётган қумнинг қандай ювилаётгани, тошлардан шағал ишлаб чиқариш ҳақида сўрдингиз, – дейди қорхона иш бошқарувчиси Рамазон Султонов. – Шағал майдалайдиган тегиримон, қумни ювиш мосламалари яхши. Шунинг учун бу маҳсулот сифатли. Биласизми, қум-шағал қорхоналари кўп. Биз бу маҳсулотларни асосан темир-бетон плиталар ва лоток-ариқлар ишлаб чиқариш учун ишлатамиз. Металларни Бекободдаги заводдан олаемиз, сифатли. Талабга кўра, плиталарнинг узунлиги 2,9 ва 7,3 метр. Яна бюртмага қараб ишлаймиз. Қурилиш ашёларимиз кўп китоб мактаблар, уй-жойлар қурилишига ишлатилмоқда. Бинокорлар рози...

Яккабоғ туманидаги “Ҳисор” қурилиш ташкилоти асосий бюртмачилардан экан. Шахрисабздаги Хўжамурод баҳши маҳалласидаги ўнлаб кўп қаватли уй-жойларни тиклаш учун қорхона плиталари ишлатилибди.

Китоб туманидаги “Воҳа машъали” қурилиш ташкилоти энг кўп маҳсулот олаётганлардан. Ташкилот Китоб шаҳри “Гулистон” маҳалласида кўп қаватли ўнлаб биноларни тиклади, янги-яна қуришмоқда. “Қорхона плиталари бугунги кўп талабларга жавоб беради”, дейди қурилиш ташкилоти раҳбари Санжар Ғаниев.

Бугун вилоятда каналлар, сув йўлларини бетонлаштириш қаторида минглаб эски бетон-ариқларни алмаштириш режалари тузилган. Менимча, бу борада қорхонанинг лоток-ариқлар цехи қувватидан фойдаланилса, айтиш мумкин бўларди. Қорхона етакчилари тилакларини қалбимга жо қилдим:

– Мухтарам Президентимиз ўтган йили охирида воҳага ташир буюриб, тараққиёт дастури баён этиб бердилар. Саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалигидаги улкан ўзгаришларни тилга олар эканлар, 2024 йилни “Қашқадарё йили бўлади”, деб қутлуғ тилак тиладилар. Улуғ ўзгаришлар, янгиликлар, бунёдкорликлар бошланиб кетган. Биз ҳам шу йўлда меҳнат қилар эканмиз, халқимизни Наврўз айёми билан қутлаймиз!..

Юнус УЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
қўрсатган журналист.

КИТОВ ТЕМИР-БЕТОН BUYUMLARI MCHJ

**SIFAT BORASIDA
YAGONA**

☎ 75 54 25 628

☎ 75 54 25 629



**“Агробанк” АТБ жамоаси
юртдошларимизни
Наврўз байрами
билан муборакбод этади.
Барчангизга мустаҳкам соғлиқ,
юртимиз равнақи йўлидаги
эзгу ишларингизда
улкан зафарлар тилайди.**

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI EKOLOGIYA, ATROF-MUHITNI
MUHOFAZA QILISH VA IQLIM O'ZGARISHI VAZIRLIGI
XORAZM VILOYATI BOSHQARMASI JAMOASI**

*халқимизни гўзаллик ва уйғониш
байрами – Наврўзи олам билан
қутлайди. Азал-азалдан эзгулик, миллий
қадриятларимиз рамзи бўлган бу
айём юртимизга тўкинлик, хонадон-
ларимизга файзу барака олиб келсин!*



“HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI”



AKSIYADORLIK JAMIYATI JAMOASI



*халқимизни, шу билан бирга тизимда
фаолият олиб бораётган барча
ходимларни нафосат ва гўзаллик
айёми – Наврўзи олам билан самимий
табриклайди!*

*Эзгу тилаклар, меҳр-муҳаббат, яшариш ва янгиланиш фасли
бўлмиш ушбу айём барчамизга муборак бўлсин!*



MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV Muslihidin MUHIDDINOV
Ulug'bek VAFOYEV Hayotxon ORTIQBOYEVA
Maqsuda VORISOVA Shuhrat ISLOMOV
Qalandar ABDURAHMONOV Toshtemir XUDOYQULOV
Guliston ANNAQILICHEVA

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.

Telefonlar: (71) 239-12-14

Reklama b'limi: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 337. 3557 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'ZA yakuni —
Topshirilgan vaqti — 21:30

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.